Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси ● 1995 йил, 13 октябрь ● №41 (235)

ИЛҒОРЛАР САФИДА



Наманган вилояти, Уйчи туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари пахта тайёрлаш режасини вилоятда илғорлар қаторида бажардилар. Мавжуд 600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 24 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил олиниди. Хўжалик заршунослари яна ҳар гектар ердан 2 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш ниятидалар. Улар бу йил «Фарғона-3» чигит навини экдилар.

Суратларда: 1. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳаммад Содиқ Имомов илғорлар даврасида.

2. Уйчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (ўнгда) Муҳиддин Валиев «Уйчи» пахта қабул қилиш пункти ишчилари билан.

3. Уйчи пахта қабул қилиш пунктидаги янги ҳосил хирмонлари.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

· Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Гулпойгонийни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

· **Вазирлар Маҳкамасининг бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

· Республикамиз Президенти Ислом Каримов Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Вильгельм Хойнини қабул қилди.

· **Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «атроф-муҳитни қайта тиклаш» мавзуидаги халқаро семинари қатнашчиларига табрик йўллади.**

· «Ҳ. Назировни (Ҳаким Назирни) Узбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш тўғрисида» Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Андижон	0,51	105,38
Хоразм	1,09	97,03
Наманган	1,01	92,86
Фарғона	1,03	91,19
Навоий	1,65	88,28
Бухоро	1,06	87,98
Тошкент	1,97	80,60
Қашқадарё	1,89	79,55
Қорақалпоғистон Республикаси	1,14	70,21
Сурхондарё	1,19	72,47
Самарқанд	1,56	71,90
Сирдарё	1,90	68,51
Жиззах	2,05	66,91
Республика бўйича	1,37	82,39
1994 йилда	1,91	73,11

ХАЙРЛИ ИШ

ЖИЗЗАХ вилоятидаги Зафаробод туманида яна бир ҳайрли ишга қўл урилди.

Туман хокими Собиржон Абдусатторовнинг фармонига кўра ҳамма хўжалик раҳбарлари ўз ҳудудидаги мактабларга бош директор этиб тайинландилар. Бош директорларнинг вазифалари мактабларни таъмирлаш, моддий томондан қийналган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш, хўжалик ишларида қатнашган ёшларга транспортдан фойдаланишларида қулайликлар яратиб бериш, мактабларни, ўқитувчи ва ўқувчиларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришдан иборат бўлади.

Бош директорларнинг келгусидаги фаолиятларига туман касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти ҳамда хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раислари елкадош бўлишни зиммаларига олдилар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

МУНОСИБ ҲИССА

ПАРКЕНТ туманининг бир қанча мактаблари ва 19-Махсус ҳунар-техника билим юртининг 1000 дан зиёд ўқувчилари Бекобод туманининг Ойбек, Мавлонов, Улуғбек жамоа хўжаликларидаги пахта йиғим теримида иштирок этмоқдалар.

Теримда 7-ўрта мактаб, (директори А. Абдувоҳидов, касаба уюшма қўмитаси раиси Ф. Бегматов) 2- ўрта мактаб (директори М. Миртолипов), 6-ўрта мактаб (директори С. Мусаев, касаба уюшма қўмитаси раиси Д. Эрматов) жамоалари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Мактаблар ўртасидаги беллашувда 7, 2, 8 — мактаб ўқувчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу мактабларнинг И. Саидмуродов, Д. Бозорова, Т. Бердиқулов, И. Тожибоев, Н. Холбоев, М. Юнусова, Д. Эрназаров каби ўқувчилари 70-100 килограммдан пахта теришмоқда.

Яқинда ўқитувчилар куни муносабати билан илгор ўқувчиларга касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобидан пул мукофотлари топширилди.

Туманнинг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари ва ички ишлар бўлими хизматчилари ҳам хирмонни юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Узбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати, Паркент тумани хокими Туроб Ҳолбоев ҳашарчилар учун зарур шарт-шароитларни яратишда бошқош бўлмоқда. Чевар теримчиларнинг шу кунгача йиққан хирмонлари 500 тоннага етиб қолди.

М. ҲАСАНОВ,
халқ таълими ходимлари Паркент тумани қўмитаси раиси

ШАРОИТ СОЗ БЎЛСА...

Мамадали Тураев бошлиқ бригаданинг муҳташам дала шийпони. Ҳаммаёқ озода ва тартибли. Радиокарнайдан таралаётган қўшиқ оҳанги поёнсиз далалар бўйлаб таралмоқда. Шийпон четидаги ошхонадан янгигина дамланган паловнинг ёқимли ҳиди атрофни тутиб кетган.

Пахтакорларга тушликни бепул ташкил этилаётганига уч йил бўлди. Йилнинг биринчи ярмигагина шу мақсад учун 222800 сум маблағ сарфланди, Хўжалик пахтазорларида шу кунларда 1300 пахтакордан ташқари яна 400 нафар ҳашарчи ҳам теримда иштирок этяпти. Тушликка зарур маҳсулотнинг асосий қисми жамоанинг ўзида етиштирилади. Жумладан, шолипоялардан миришкорлар бу йил 30 тоннаддондун етиштиришни кўзлашган. Сабзавот ҳам мул-кўл. Эҳтиёжга қараб жамоага қарашли фермада мол суйиб турилади. Шийпонлардаги кўчма яслиларга эса марказий сут ошхонасида тайёрланаётган мазали таомлар етказилиб берилади.

Хужаликнинг Жалолиддин Ҳакимов, Муминжон Норматовлар бошлиқ бригадаларнинг дала шийпонларида бўлганимизда ҳам мазали таомлар пиширилмоқда.

Тушлик даврида ҳам мазали таомлар пиширилмоқда, ҳам хўжалик бадиий-ҳаваскорлик ансамбли аъзолари тез-тез дала шийпонларида бўлишиб пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишмоқда. Шароит соз бўлса, меҳнатга унум киради деганларидек, Аъзамжон Шамсиддинов номли жамоа хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича Норин туманидагина эмас, умуман, Наманган вилоятида олдингилар қаторида кетяпти. Улар 987 гектар пахта майдонидан режада кўзда тутилган 2645 тонна ўрнига 3 минг тонналик хирмон уйиш учун курашмоқдалар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Далалардан дараклар

Иқтисодиёт янгиликлари

«ЧОРТОҚ СУПЕРМАРКЕТИ

Иқтисодимизни ривожлантиришда барча вилоятларда бўлганидек, Наманган вилоятида ҳам бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Чортоқда янги супермаркет дукони очилди. Вилоятнинг табиат ардоқлаган бу гўзал гўшаси кун сайин чирой очиб бораётган бир даврда мазкур дуконнинг очилиши айни муддао бўлди. У шаҳарга янада файз киритди.

«Деҳқон бозори» ёнидаги «Садоқат» универмаги бир ойда таъмирланиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Унга «Чортоқ» супермаркети» номи берилди.

Ривожланган мамлакатлардаги энг замонавий савдо шоҳобчаларидан қолишмайдиган бу улкан дукондан хоҳлаган нарсангизни ҳарид қилишингиз мумкин.

«Ишонч» мухбири.

СПИРТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

ФАРҒОНА вилоятида республика иқтисодини мустаҳкамлаш йўлида янги спирт заводи ишга туширилди.

Яқинда Қўқон ишлаб чиқариш бирлашмасининг бу спирт заводи дастлабки маҳсулотни ҳалф қилди. Мазкур спирт заводи бир йилда 1 миллион 830 минг деколитр спирт ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Эндиликда бу заводнинг иккинчи навбати қурилиши лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда.

Санъат МАҲМУДОВА,
«Ишонч» мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ЮКСАЛИШИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашгани сайин ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам юзага келмоқда. Шу маънода Президент фармонига биноан ташкил қилинган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи фонд «Бизнес фонд»нинг ташкил қилиниши айни муддаодир. Янги фонднинг мақсад ва режалари билан ўртоқлашишни сўраб, мухбиримиз «Бизнес фонд» бошқаруви раиси Алижон Юсуповга мурожаат этди.

— Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди «Бизнес фонд»ни ташкил этишни тақозо этган зарурат нималардан иборат? Аввалги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи фонддан фарқи нималарда кўринади?

— Кўпгина давлатларнинг маъмурий буйруқбозликдан бошқаришнинг бозор иқтисодига ўтиш давридаги ривожланиш жараёни анчагина омилларга боғлиқ.

Иқтисоднинг янги тизимини шакллантириш борасидаги тажриба шуни кўрсатадики, давлатнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш тўғрисидаги мукаммал ва мақсадли тадбирлар режасини изчил амалга ошириш керак бўлади.

Ҳозирги кунда республикамиз раҳбарияти иқтисодни сиёсатдан юқори погонага қўймоқдалар. Шунинг учун ҳам республикамизда тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг барча ҳуқуқий меъёрий асослари, шарт-шароитлари яратилди. Бозор инфраструктураси, бу аввало, тижорат, хусусий банклар, сўғурта компаниялари, ҳомашё, фонд, валюта биржалари ва ҳоказолардир. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг устивор йўналишларида банд бўлган хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳозир ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этади. Навбатдаги вазифа — хусусий тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги технологиялар ва замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида хом ашёни қайта ишлаб юқори сифатли, ташқи бозорга рақобатбардош тайёр маҳсулотлар чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Бу йўналишда хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесни ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Нега десангиз, янги ташкил этилган хусусий корхоналарнинг бошлангич маблағлари камлиги ёки йўқлиги туфайли ишлаб чиқариш фаолиятларини яхши йўлга қуя олмай қолдилар. Мавжуд ривожланаётган хусусий корхоналар эса янги замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий этишда молиявий муҳтожликка, қўмакка эҳтиёж сезадилар.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида олинган маблағлар ҳисобидан лойиҳани имтиёзли кредитлар билан таъминлаш йўли орқали хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кўмак бериш, республикамиз минтақаларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг кенг инфраструктурасини ривожлантиришга, турли кредит муассасаларидан қарзга маблағ ажратишни тақозо этадиган инвестиция лойиҳаларига кафолатлар бериш, мажбуриятлар олиш ва кафил бўлиш асосида, молиявий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаш «Бизнес фонд» олдида турган асосий вазифалардир.

«Бизнес фонд»нинг аввалги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи фонддан фарқи шундаки — у очиқ турдаги акционерлик жамият бўлиб, молиявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Эндиги бериладиган кредитларнинг муддати узайтирилди, улар учун олинадиган солиқ фоизи камайтирилди.

— Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнеснинг ривожлантиришда асосий тўсиқлар нималардан иборат эди ва уларни бартараф этишда «Бизнес фонд»нинг ўрни ва роли қандай бўлади? Бу соҳа суст ривожланаётгани ҳаммамизга аён-ку.

— Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳукуматимиз томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Шунга қарамасдан жойларда тадбиркорларнинг эътирозлари мавжуд. Бундай эътирозларга сабаб бўлаётган масалаларни умумлаштирадиган бўлсак — булар буюртмачиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмаётганликлари, банкларда пул ўтказиш ишларининг чўзилиб кетиши, ҳуқуқий маслаҳат берувчи ташкилот ва фирмаларнинг етарли эмаслиги, текширув ташкилотлари томонидан тафтиш ишларининг тез-тез ва ўринсиз ўтказилиши, ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишдаги қийинчиликлар ва бошқалардан иборат.

Бундай камчилик ва тўсиқларни бартараф этишда, аввало, тадбиркор ўз ҳуқуқларини яхши тушунган ҳолда иш юритиши жоиздир. Авваллари, ҳаммамизга маълумки, бирор хусусий корхона очиш, уни рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркор ойлаб вақт кетказар, ўнлаб идора эшикларига кириб чиқар эди. Ҳозир эса уч кун ичида ҳокимлик ва тегишли ташкилотлар рўйхатдан ўтказиб беради.

Бу каби қулайликлар яратиш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш борасида республика раҳбарияти изчил иш олиб бормоқда.

— Фармонда тадбиркорларга маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Шу борада қилинадиган ишлар хусусида нималар дея оласиз?

— Дарҳақиқат, ахборот тадбиркор ишининг узаги ҳисобланиб, қанчалик кенг, тўлиқ-аниқ маълумотларга эга бўлса, ишининг ривожланиши шунчалик яхши бўлади.

Ҳозирги кунда Фондимизда алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, у тадбиркорлар учун керакли маълумотлар тўплаш, таҳлил этиш, уларни умумлаштириб, жойларга етказиш ишларини амалга оширади. Бунда республикамиз вилоятларидаги бўлимларимиз билан компьютерлар орқали алоқа ўрнатиш ва шу орқали маълумотларни етказиш, қабул қилиш каби ишларни амалга оширмоқчимиз. Маълумотлар муҳимлиги шундаки, қайси жойларда ишлаб чиқаришнинг қайси тармоқларини ривожлантириш, маҳаллий хомашё, коомуникация, аҳоли зичлиги ва бошқа ҳолатларни яхши ўрганиш керак. Ана шундай маълумотларга асосланиб, зарур маслаҳатлар берилса, кўзланган мақсадга тезроқ эришади. Ҳар қандай масала ўз ечимини топади.

— «Бизнес фонд» ҳақидаги фармон билан бир кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя этиш тўғрисидаги Фармон ҳам қабул қилинди. Демак, икки масалада боғлиқлик мавжуд экан. Ана шу боғлиқлик нималардан иборат?

— Республикамиз Президентининг бу борадаги Фармонини тадбиркорларга яна бир ғамхўрлик, деб биламиз. Маълумки, ҳозирги кунда мавжуд суғурта агентликларининг барчаси ҳам тадбиркорлар олаётган кредитларни суғурта йўли билан молиявий ҳимоя қилишга қодир эмас.

Фармон асосида ташкил этилган «Мадад» суғурта компанияси «Бизнес фонд» томонидан тадбиркорларга бериладиган кредитларни суғурта йўли билан ҳимоялашга хизмат қилади. Шунга биноан «Мадад» суғурта компанияси учун давлат томонидан етарлича маблағ ажратиб берилди.

— Юқоридаги ҳар икки Фармонни ижро этишга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан. Уларнинг асосий мағзини шарҳлаб берсангиз?

— Бу қарорда «Бизнес фонд»нинг мақсади, вазифалари, ҳудудий бўлимларининг тизимлари, тадбиркорларга кредитлар беришнинг асосий шартлари баён қилинган. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, бериладиган имтиёзли кредитлар асослари таърифлаб берилган. Кредитлар иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга йўналтирилади:

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

— фермер хўжаликларини ривожлантириш;

— туризм;

— қурилиш, бинокорлик материаллари саноати;

— маҳаллий саноат;

— хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш.

Бундан ташқари қарорда инвестиция заҳираларини жалб этиш, олинган кредитларнинг қарздорлар томонидан ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш, таваккалчиликни бошқариш ва бошқа вазифалар ижросини таъминлаш, «Бизнес фонд», «Мадад» суғурта агентлиги ҳамда «Ўзтадбиркорбанк» зиммасига юклатилган.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

Ўзбекистон КУФК раёсатида

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИ — ҲАР БИР ТАШКИЛОТГА

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати «ИШОНЧ» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 1996 йил учун идоравий обунани уюштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда «Ишонч» газетасини ҳафтасига икки марта чоп этиш ва шу муносабат билан 1995 йилнинг иккинчи ярми учун идоравий обунани ташкил қилиш бўйича Раёсатнинг шу йил 20 майдаги қарорининг бажарилиши таҳлил этилган.

— Ушбу қарор юзасидан Тошкент шаҳар, Хоразм ва Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгашлари, энергетика саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси бир мунча ишларни олиб бордилар,— дейилади жумладан қарорда.— Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Фарғона вилоятлари касаба уюшмалари Кенгашлари газета обунасига ғоят сусткашлик билан қараб амалда бу тадбирни барбод қилдилар.

Юқоридаги фактлар шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар касаба уюшмалари Кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари Қўмиталари ҳамон эскича усулда иш олиб бормоқдалар. Уз фаолиятларида газетанинг ташкилотчилик ва таргиботчилик кучига таяниб иш кўришнинг аҳамиятини, ишда кенг ошкораликни таъминлаш самарадорликнинг муҳим шарти эканлигини тўлиқ англаб етмаяптилар.

Шу муносабат билан УзКУФК Раёсати 1995 йил 20 майдаги қарорни бажариш юзасидан олиб борилган ишларни қониқарсиз деб топди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар касаба уюшмалари Кенгашларига тармоқ касаба уюшмалар Марказий Қўмиталарига 1995 йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч» газетасига идоравий обунани уюштиришда йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил этиш, бевосита бу тадбир ишониб топширилган масъул ходимлар фаолиятига принципиал баҳо бериш, навбатдаги обуна компаниясида юқоридаги хатоларга йўл қўйилмасликнинг қатъий чораларини белгилаш топширилди.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 1996 йил учун идоравий обуна юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари бўйича тақсимот режаси тасдиқланди. Касаба уюшмаларида обунанинг бориши бўйича маълумотлар ҳудудий кенгашларда жамланиб ҳар 10 кунда УзКУФК ташкилий ишлар бўлимига тақдим этилиши ва шу ерда уларнинг Республика матбуот тарқатиш маркази маълумотлари билан таққослаб, зарур ташкилий чора-тадбирлар кўриб борилиши белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, Тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар, вилоят Марказий қўмиталарига обуна ишларида фаол қатнашиш, ҳар бир касаба уюшма бошланғич ташкилоти ўз газеталарини доимий олиб туришни таъминлаш вазифаси юкланди. Бошланғич касаба уюшмалари Қўмиталарига зарур ҳолларда маблағ масалаларини корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмуриятлари билан биргаликда ҳал этиш тавсия қилинди.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририятига ушбу нашрларга обунанинг боришини кенг ёритиш, бу борадаги тажриба ва ташаббусларни кенг оммалаштириш топширилди. Шу билан бирга келгуси йилдан бошлаб «Ишонч»ни ҳафтасига икки марта чиқариш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни вақтида бажариш, газетанинг меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясида юксак таъсирчанлигини таъминлаш, касаба уюшмаларида бу борада тўпланган илғор тажрибаларни кенг тарғиб этиш вазифаси юкланди.

Азиз газетхонлар! Касаба уюшма фаоллари! Севимли газетангизга обуна бўлиш билан сизлар уни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб — қувватлаган бўласиз.

«Ишонч» газетаси ҳар бир касаба уюшма ташкилотига! Биз сизларни ана шу шу шиор остида ҳаракатни бошлаб юборишга ва ундан бирорта ташкилот четда қолмаслигига эришишга чақирамиз. Кўп миллионли касаба уюшмалари аъзоларини жамият олдида меҳнаткашларнинг таъсирчан ижтимоий ҳимоясини таъминловчи бутун бир ташкилот сифатида намоён этувчи «Ишонч» газетаси доимий йўлдошингиз бўлсин.

Ўзбекистон КУФК ахборот шўъбаси.

БИРЖА ХАБАРЛАРИ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани меҳнат биржасида иш жойлари ва шароитлари билан таништириш мақсадида ярмарка уюштирилди. Унда тумандаги 24 та корхона вакиллари, 32 та маҳалла оқсоқоллари ва аҳолиси, 6 та мактаб раҳбарлари билан бирга 11 синфни тугатган ёшлар қатнашдилар.

— Бизга 297 киши мурожаат қилган бўлса, шулардан 65 нафари ишга йўлланма олди, — дейди биржа раҳбари Лола Тожиходжаева. Ҳозир биз ҳоҳловчиларни ишлаш учун Кореяга, Қизилқум нодир металлар конига ва Олмалик тоғ металлургия комбинатига юборишимиз мумкин.

* * *

ТОШКЕНТ универсал кўчмас мулк биржаси 27 — 28 сентябрда кимошди савдосини ўтказди Шаҳарнинг турли туманларида жойлашган 6 та ер участкаси ва 80 — АЁҚТ ҳамда «Феруза — М» хусусий корхонаси сотилди. Бу иншоотлар 14380 минг сумни ташкил қилди. Бошланғич нархи 5703,5 минг сум эди.

* * *

УЗБЕКИСТОН Республикаси валюта биржасида 1995 йил 10 октябрда бўлиб ўтган савдода — сотув ҳажми 28,28 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 33,40 сум даражасида қайд этилди.

Марказий банк 1995 йил 11 октябрдан бошлаб Узбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қиймати белгилади:

— сотиб олиш қиймати 1 АҚШ доллари — 33,40 сум

— сотиш қиймати 1 АҚШ доллари — 33,40 сум

Хорижий валютани сотиш чоғида сум билан восита ҳақи олинади.

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

ИНСОН— ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Инсоннинг ақлий ва жисмоний имкониятлари кенг. XX асрга келиб у атом сирини очди, космосга чиқди. Фан, техника, технология, ҳисоблаш техникаси, радио, телевидение, кимё юқори даражада тараққий этди. Инсоннинг онги, маданияти ҳам бетўхтов усиб бораяпти. Адабиёт, санъат, театр, мусиқа, тасвирий, амалий санъатда унинг маънавий қиёфаси, камолоти ўз ифодасини топмоқда. Инсон ақли жуда кўп мураккаб муаммоларни ҳал қилаяпти, муъжизалар яратяпти. Бугун ер, сув, қуёш, ер ости ва усти бойликлари, замонавий машиналар, ихтиролар, технологиялар одамлар хизматида.

Шубҳасиз, ҳали келажакда ҳозир бизга маълум бўлган ихтиролардан ҳам зўр ихтиролар, кашфиётлар қилинади. Ҳали инсон ҳал қилиши лозим бўлган, ечиши керак бўлган масалалар ниҳоятда кўп. Инсон ақли, идроки ҳар қандай мураккаб масалани эртами-кечми, вақти-соати билан ҳал этади.

Умуман, кишилик жамияти ривожига баҳо берганда тараққиёт ҳеч қачон тўхтамагани ва тўхтамаслигини қайд этиш жоиз. Шу билан бирга у ер шарида бир текис кечган эмас. Тараққиёт вақти-вақти билан тезлашиб, секинлашиб турган. Ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония давлатлари бошқа мамлакатлар тараққиётига кучли таъсир кўрсатганлар. Маълумки, у ёки бу давлатнинг тез суръатлар билан ривожланиши географик муҳит, ер ости бойликлари, давлат раҳбарлари, уларнинг сиёсатига боғлиқ. Кўп мамлакатларда энг юқори тараққиёт даври раҳбарликка зукко, ақлли, илмли, маданиятли кишиларнинг келган вақтига тўғри келади.

Тинчлик, тотувлик ҳукм сурган пайтларда инсоннинг бунёдкорлик, ижодкорлик фаолияти барқ уриб ривожланган. Агар ўтмишга назар солсак, бунинг исботини кўрамиз. Инсоният тараққиётининг биринчи босқичида ибтидоий жамоа тузуми қарор топиб, унда яшаган одамларнинг асосий мақсади қорин тўйғазиш, ўзини ҳимоя қилиш бўлган ва одамлар асосан қабила-қабила шаклида яшаганлар. Бу жамиятда ишлаб чиқариш қуроллари ниҳоятда оддий бўлган.

Жамият тараққиётининг кейинги босқичи — капитализм даврида ривожланиш қулдорлик, феодализм тузумларига қараганда мисли кўрилмаган даражада барқ урди. Бунда иқтисодий муносабатлар пул-товар муносабатлари асосида амалга оша бошлади. Жамиятнинг асосий кучлари сифатида хусусий мулкчилик, капитал, капиталистлар, яъни пулдорлар вужудга келди. Капитализм ишлаб чиқариш кучларини, муносабатларини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини энг юқори даражада ривожлантирди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизмлаштириш, автоматлаштириш, меҳнатни ташкил қилиш, иш ҳақи, меҳнатни ҳавфсизлиги, ижтимоий таъминот, меҳнат шароитини яхшилаш масалаларига эътибор кучайди.

XX асрнинг 60-80 йилларида юксак тараққий этган мамлакатлар бошқарув концепцияларида иқтисодий, ишлаб чиқариш масалалари билан бир қаторда ижтимоий, маънавий муҳитни яратиш масалалари билан боғлиқ ҳолда ҳал қилиш ва бунинг учун олинадиган даромаднинг катта қисмини ана шу масалаларни ҳал қилишга сарфлаш лозимлиги ғоялари илгари сурила бошлади.

XX асрнинг 20-30 йилларидаёқ бу мамлакатлар ижтимоий масалаларни ҳал қилиш нафақат ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайдиган, балки жамият тараққиётини тезлаштирадиган энг муҳим омил эканини тушуниб етган эдилар. Бу йўл меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, интерьер, экстерьерларни жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб, меҳнаткашларнинг ишчанлик қобилиятини узоқ вақт сақлаб қолиш муаммоларини ҳал қилишга эришилди.

Инсоннинг касб маҳорати, тажрибаси ва ташаббуси капитализмда юксак қадрланадиган фазилатлардир. Яъни, ақл ва тадбир билан иш юритган одам тез бойийди, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятига эга бўлади. Фаровон ҳаёт, юксак маданият бунда асосий мезондир. Ривожланган мамлакатларда уй-жой билан таъминланганлик хоналар сони ёки уларнинг майдони билан эмас, балки ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ётоқхона ва ювинадиган хоналарнинг миқдори билан улчанади. Жамият тараққиётининг кейинги босқичи ҳам бўлади. У қандай номланишини ҳозир айтиш қийин. Балки, социалистик жамият деб аталар. Нима бўлганда ҳам у, ривожланиш даражаси жиҳатидан капитализмдан устун жамият бўлади. Илм-фан, техника, технология, иқтисод, ижтимоий ҳаёт, маданият гуллаб-яшнайди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Совет социализми — бу сохта социализм бўлиб, у яккаҳокимликка асосланган демократиядан номнишона йўқ, жоҳиллик ҳукм сурган, инсон ҳўрланган, зорланган, мулкдан, ўз меҳнати маҳсулидан маҳрум қилинган жамият эди. Тарихдан маълумки, одамларни барча инсоний ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, социалистик жамият қуриб бўлмайди. Ҳақиқий социализм бу аввало, демократияга асосланган, ҳуқуқий адолат тамойиллари кафолатланган ва уларга кенг амал қилинадиган эркин жамиятдир. Бу ғоя анчадан бери Ғарбда илгари сурилиб, тобора ривожлантирилаётир. Мустақил Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган сиёсий йўл ҳам адолатли, инсонпарвар жамият қуришга йўналтирилган. Табиий заҳираларга, бой иқтидорли кадрларга эга бўлган мамлакатимиз учун бу реал, амалга оширадиган вазифадир. Халқимизнинг бутун куч-қуввати, ижодкорлик меҳнати, иродасини ана шу вазифани бажаришга сафарбар эта олсак, кифоя.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса келиб чиқалики, инсон ҳар қандай жамиятни ривожлантирувчи асосий кучдир. Бинобарин, унинг қобилиятини ўстириш, тажрибасини бойитиш, маданиятини шакллантиришдан жамият фақат ютади. Шундай экан, баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш ҳозирги куннинг асосий вазифаси бўлиши лозим. Қандай мулоҳаза юритмайлик, гап инсон-жамият-маданият-тараққиёт масаласига келиб тақалади. Маданият, маънавият эътиборни кучайтириш пайти келди. Маданият бу аввало ҳар томонлама чуқур, ҳулқ-атвор, нозик дид, нафисликка интилиш, кийиниш ораста-озодалик, руҳ мусаффолиги, ҳалоллик, шахсий гигиена, поклик, ростгўйлик, қадриятларга иззат-ҳурмат, мусиқа, тасвирий санъатга ҳурмат, улардан озиқланиш, лаззатланиш, табиатни асраш, динга тўғри муносабат, адабиёт, фалсафага қизиқиш, байналминалчилик, интизом, масъулият, ўз халқини, ватанини севмоқ ва ҳоказолардир.

Сўзсиз ҳар бир халқ ўз маданиятига эга. Унинг тили, урф-одати, илм аҳли, олимлари, шоирлари, ёзувчилари яратган янгиликлар, асарлар шаксиз миллий маданиятини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Инсон маънавияти ана шу муайян муҳитда шаклланади. Маданиятда миллийлик билан бир қаторда умумийлик ҳам мавжуддир. Бу умумийлик инсон қиёфаси кийиниши, ҳулқ атвори, онги, ғоясида ўз ифодасини топади. Заковатли ҳар бир инсон нафақат ўз миллий ва маданиятини, балки умуминсоний маданиятни ҳам эгаллаши лозим. Ғоҳида узбекларга опера ва балет керакми?» деган гапларни эшитиб қоламиз. Опера, балет — бу Ғарб мамданиятига мансуб, Узбекистонда уни хуш кўришмайди, деган қарашлар ҳам бор. Бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Опера Европа маданияти орқали кириб келган бўлсада, Ўзбекистонда унинг қўплаб мухлислари мавжуд. Энг муҳими, бу умуминсоний санъатнинг ажралмас бир бўлагидир. Ихлосмандлар опера ва балет театрига декорацияларни томоша қилгани эмас, ёқимли, хушовоз хонанда ижросидан баҳраманд бўлиш, маънавий завқ олиш учун келадилар. Санъат миллат танламайди. Қолаверса, бугунги кунда опера ва балетни, классик симфоник мусиқани севадиган ўзбеклар кўп, уларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Албатта, опера ва балетни ҳамма ҳам дарров тушунавермайди. Лекин шундай экан деб, халқимизни санъатнинг бу туридан баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғри бўлмаса керак.

Тасвирий санъат, симфоник мусиқа, поэзия, ғазал табиатдан завқлана олиш ҳам маданият белгиси ҳисобланади. Бу инсон дунёқараши, маданияти, тарбиясини, шаклланиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳозирги кунда ҳам минглаб, миллионлаб одамлар Леонардо Давинчи, Гойя, Рембрант асарларидан, Жорж Бизе, Иоган Штраус, Чайковский мусиқасидан, А. Навоий, Пушкин шеърларидан завқ-шавқ оладилар, урганадилар.

Овқатланиш, бадантарбия билан шуғулланиш ҳам ўзига хос маданиятдир. Мутахассисларнинг фикрича, республикамизда 40 дан ошган эркак, аёллар 80-85 фоизининг ташқи қиёфаси рисоладагидек эмас. Кўпчилик кишиларнинг қомати тўлишиб, қорни осилиб қолган. Бу ҳам ҳаракат қилиш, овқатланиш, режимга риоя қилмаслик оқибатидир. Қомат қанчалик хушбичим, ихчам бўлса, инсон ўзини шунча енгил ҳис қилади. Бундай одамлар ортиқча семириб кетганларга қараганда узоқроқ ур кўрадилар, камроқ касал бўладилар.

Зар қадрига заргар, соғлиқ қадрига бемор етади, деган мақол бор. Инсон қариб, ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган аҳволга тушиб қолганида пушаймон ейишининг фойдаси йўқ. Шунинг учун болаларни ёшликдан бадантарбияга, овқатланиш маданиятига ургатиб бориш муҳимдир. Инсон ҳамма вақт ёш, чиройли бўлишга интилиши керак, ривожланган мамлакатларда бу нарса аллақачоноқ одат тусига кирган.

Табиат — онамиз, бебаҳо бойлигимиз. У инсондан ўз неъматларини аямаган. Аммо бунда меъёрни унутмаслик лозим. Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Япония, Англия, Германия, АҚШ, Франция, Италия, Швеция, Финляндия ва бошқа ривожланган мамлакатларда табиатни асраш, унинг бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланишга катта аҳамият берилади.

Айниқса, Японияда одамлар ўзларини табиат билан бир бутун деб ҳисоблайдилар. Табиатнинг кичкина бир бўлагини ўз уйларига олиб киришдан сакура дарахтининг гуллашидан роҳатланадилар, тўлин ойни томоша қилишни яхши кўрадилар. Айтмоқчимизки, япон халқининг юқори маданияти, билими, тажрибаси, ўз ватанига фидойилиги бу мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Биз мустақил, инсонпарвар, адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, ривожланган давлатлар тажрибасидан урганишимиз лозим. Узбек халқи меҳнаткаш, қобилиятли, бағри кенг, юраги тоза халқ. У жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига шубҳа йўқ. Бир сўз билан айтганда, инсон жамиятни, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий жиҳатдан ривожлантиришда етакчи кучдир. Уни ҳар томонлама камол топтириш тараққиётимизнинг кейинги босқичларини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Узбекистонда инсон тараққиётининг турли жабҳаларини қамраб олувчи ҳамда БМТ вакиллари билан ҳамкорликда тайёрланган миллий маъруза ижтимоий тараққиёт марказига инсонни қўйишга қаратилган муҳим дастурдир.

С. САЛИМОВ,
профессор.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазирлигининг пенсия хизматини ташкил этиш Бош бошқармасининг бош мутахассиси Маъмуржон Кенжаев жавоб беради.

Ёшим 57 да. Жамоа хўжалигида 23 йил ер тузувчи ва 5 йил боғдорчилик агрономи бўлиб ишлаганим учун имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Мухтор АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти
Ургут тумани
Ибн Сино номли
жамоа хўжалиги.

Амалдаги пенсия қонунида жамоа хўжалигида ер тузувчи ва агроном вазифаларида ишлаганларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган.

60 ёшга тулганингизда умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Менга 1994 йил 1 июлга қадар ўқитувчи сифатида кўп йиллик хизмат пенсияси тайинланган эди. Ёшим 55 га тўлгани йўқ. Иш фаолитятимни давом эттирсам менга пексия тўланадимми?

Манноп НЎЪМОНОВ,
Андижон вилояти, Хўжаобод
шаҳри, Беруний кўчаси.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунида маориф ходимларига кўп йиллик хизмат пенсияси тайинлаш кўзда тутилмаган.

Бироқ илгари тайинланган кўп йилли хизмат пенсиялари ишламаётган пенсионерларга ёшга доир энг кам пенсия миқдорида тўланади.

Сизга 55 ёшга тулганингиздан сўнг ёшга доир имтиёзли пенсия тайинланиши ва тўланиши мумкин.

Биринчи гуруҳ меҳнат ногиронларининг меҳнат нафақаларига устама ҳақлар белгиланадими? Бировнинг парваришига муҳтож 1 гуруҳ ногиронини парвариш қилиб турган кишига нафақа тўланадими? Агар тўланса унинг миқдори қанча бўлади?

Тоғай ҲАСАНОВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи
тумани.

Амалдаги пенсия қонунига мувофиқ I гуруҳ ногиронларининг ногиронлик сабабларига қараб, уларнинг меҳнат нафақаларига қуйидаги миқдорда устама ҳақлар белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига энг кам иш ҳақининг 150 фоизи;

б) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

в) I гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

I гуруҳ ногиронларини парвариш қилиб турган шахслар учун нафақа қўшимча қўшиш, алоҳида ҳақ тўлаш ёки нафақа тайинлаш кўда тутилмаган. Лекин, I гуруҳ ногиронларини парваришлаб турган даврлар нафақа тайинлашда умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Умумий иш стажим 30 йил бўлиб, шундан 21 йил ўқитувчи ва райком қарори билан 9 йил участка агрономи бўлиб ишлаганман. Менга пенсия тайинлаш масаласида тушунтириш беришларингизни сўрайман.

Жўрақул ЖАББОРОВ,
Навоий вилоти, Навбаҳор
тумани, А. Қаҳҳор номли 1-ўрта
мактаб ўқитувчиси.

Амалдаги пенсия қонунига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда эркаклар 55, аёллар эса 50 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин.

Агроном бўлиб ишлаган давр имтиёзли пенсия тайинлаш ҳуқуқини берувчи махсус иш стажи ҳисобланмаслиги сабабли, сиз 60 ёшга тулганингизда умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқишингиз мумкин.

Мен яқинда корхонамиз тугатилиши муносабати билан ишдан бўшашим ҳақида огоҳлантириш хатини одим. Огоҳлантириш муддати тугамай туриб, ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшашга ҳақлиманми?

Алижон ЖЎРАЕВ,
Тошкент вилояти.

Агар ходим 2 ойлик огоҳлантириш муддати тугамасдан аввал ўз ихтиёри билан ишдан бўшатишни илтимос қилса, бунга корхона, ташкилот ва муассаса маъмурияти қаршилик билдирмаса, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан аввал ҳам бекор қилиниши мумкин.

Касаллик варақаси учун қандай тартибда нафақа тўланади?

А. ИВАНОВ,
Тошкент шаҳри.

Вақтинчалик меҳнатга яроқсизлиги учун нафақалар ойлик иш ҳақининг 100, 80, 60 фоизи миқдорида белгиланади.

Иш ҳақининг юз фоизи миқдоридаги нафақа қуйидагиларга тўланади:

— иш вақтида жароҳатланганларга ёки касб касалликлари билан оғриганларга;

— 8 ва ундан ортиқ йил давомида узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ишчиларга;

— ўз қарамоғида 16 ёшга етмаган (ўқувчи ёки талаба бўлса 18 ёшга) 3 ва ундан ортиқ фарзанди бўлган ишчиларга;

— ватан уруши қатнашчиларига, байналминал жангчиларга, уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

— Чернобиль атом электр станциясида содир бўлган ҳалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган кишиларга;

— Чернобиль ҳалокати натижасида радиоктив моддалар билан зарарланган ҳудудлардан эвакуация қилинган ва кўчириб келтирилган кишиларга; қон ишлаб чиқарувчи органлар касалликлари (ўткир лейкозлар) қалқонсимон без, хавфли ўсмалар каби касалликлар билан хасталанган кишиларга.

Иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридаги нафақа 5 йилдан 8 йилгача узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ишчиларга, 21 ёшга тўлмаган ота-онасиз шахсларга берилади.

5 йилгача узлуксиз меҳнат стажи бўлмаган ишчиларга вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик нафақаси иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида тўланади.

Мен 1940 йилда туғилганман. 1975 йилдан шу кунгача Фарғона вилояти, Қува туманининг марказий Давлат банкида ҳайдовчи инкассатор вазифасида ишлаб келаяпман. Жами иш стажим 36 йил.

Ҳайдовч-инкассатор 55 ёшдан пенсияга чиқишга ҳақлими?

И. ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилояти, Қува
тумани,
Агропромбанк.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозим ҳамда кўрсаткичларнинг 1, 2, 3 рақамли рўйхатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи фақат юқорида айтиб ўтилган, рўйхатда кўрсатиб ўтилган ишлар, касблар, лавозимларда ишлаганларга берилади.

Инкассатор-ҳайдовчиларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган.

Танқидий чиқишларимиз изидан

«ПУЛНИНГ ЖИЛОВИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА»

Газетанинг 15 сентябрь 37-сонида юқоридаги ном билан босилган мақолага Наманган вилояти идорасидан бир қанча жавоблар олинди. Қуйида улардан айрим кучирмаларни келтирамиз.

Узбекистон банки Наманган вилоят бошқармаси:

«...Чиндан ҳам баъзи жойларда маошларнинг кечикиб кетаётганлигига фақат банк айбдор, деб биладилар. Мақолада келтирилганидек: ташкилотлар ва хўжаликларнинг ҳисоб рақамларида пул йўклигини эса хаёлларига келтирмайдилар ҳам. Албатта, бу борада банк тизимимизда мутлақо камчилик йўқ деган мулоҳазадан йироқмиз. Айрим ходимлар ва раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, ўз вазифаларига бепарволарча муносабатда бўлаётганликлари, зиммаларидаги бурчни етарли даражада уддалай олмаётганликлари ҳам бир мунча муаммоларни келтириб чиқармоқда. «Пулнинг жилови кимнинг қўлида» мақоласида бу ўринда ихтисослашган «Пахтабанк» Тўрақўрғон туман бўлими фаолиятидан келтирилган мисоллар шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, йилнинг ўтган 8 ойида мазкур туман банки бўлимида пул тушуми режаси атиги 54,6 фоиз бажарилди, холос.

Вилоят банклар кенгаши мақолани чуқур ўрганиб чикди, унда келтирилган ва банк фаолияти билан боғлиқ бўлган камчиликларни тез кунлар ичида тузатиш чоралари ишлаб чиқилди. Ўз иш фаолиятида камчиликларга йўл қўйилганлиги учун ихтисослашган «Пахтабанк» Тўрақўрғон туман бўлимининг бошлиғи Т.Жўраев қаттиқ огоҳлантирилди.

«Бошқарма бошлиғи М.Абдурахмонов»

Вилоят давлат солиқ бошқармаси:

«...Мақолада кўтарилган мавзу долзарб эканлиги таъкидланиб, солиқ идоралари номига ҳам билдирилган танқидий фикрлар тўғри деб топилди. Тўрақўрғон туманида накд пул муомаласи устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги, тижорат тизимига киручи айрим хусусий ва жамоа савдо тармоқларидан бир неча ойлаб хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига накд пул топширилмаганлиги, уларда касса-назорат аппаратларидан фойдаланишни йўлга қўйишда берилган ваколатлардан тўла фойдаланмаганлиги учун туман солиқ инспекцияси бошлиғи Н.Абдуллаев, вилоят солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини назорат қилиш бўлими бошлиғи А.Исмоиловлар қаттиқ огоҳлантирилдилар. Накд пул айланиши устидан назоратда камчиликларга ҳамон йўл қўйилаётганлигини ҳисобга олиб, барча шаҳар, туман солиқ инспекциялари бошлиқларига ўзларининг ҳудудларида бу муҳим ишни бажариш борасида назоратни кучайтириш, ойлаб пул топширмаётган савдо тармоқлари фаолиятини ўрганиб, тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Маматжонов».

Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг бошқаруви:

«Наманган вилояти матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруви мақолада таъкидлаганидек, айрим савдо ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараётганликларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қатъий белгилаб қўйилган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари доимий равишда бўлишида узилиш содир этилаётганлигини кечирилмас ҳол, деб ҳисоблайди. Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари бошқарув йиғилиши қарорига кўра айрим чакана савдо шохобчалари белгиланган иш режимларига риоя қилмаганлиги, савдо тушумларининг банк қисмини банкка вақтида топширилмай бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлиги учун Шаҳанд матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси А.Мирзаахмедов, Тўрақўрғон туманлараро базаси директори М.Усмонов, аҳолини 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилганлиги ҳамда пулли ҳисобкитобларини назорат-касса аппаратлари орқали бажаришда суст-кашликка йўл қўяётгани учун Хўжанд матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси М.Йўлдошевлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг талабини тўлароқ қондириш, 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларни кечиктирмай етказиб бериш, мутахассислар, ходимлар устидан назоратни кучайтириш, матлубот ҳиссадорлик жамияти бошқарувлари, улгуржи савдо базаларининг иш фаолиятида тезроқ ўзгариш ясаш зарурлиги уқтириб ўтилди. Бундан ташқари ушбу мақолани жойларда ўрганиб чиқиб, тегишли хулоса чиқариб олиш вазифаси топширилди.

Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари бошқарувининг раиси З.Тўраев».

Таҳририятдан:

Мақола айни кунлардаги кўпчилик вилоятларда ҳам содир бўлаётган, аммо ечимини топа олмаётган долзарб бир муаммони кўтариб чиққанлигини муҳарририятимизга келаётган хатлар ҳам кўрсатиб турибди.Мазкур мавзу Наманган вилоятидаги тегишли ташкилотларни чора кўришга ундади, сергаклик ва ҳозиржавоблик билан мутасаддиларнинг юқоридаги жавоблари олинди. Аммо фаолиятидаги нуқсонлар кўрсатилган айнан «Пахтабанк»нинг Тўрақўрғон туман бўлими, қолаверса, маҳаллий ҳокимлик ҳамон сукут сақламоқда. Улар жимжитлик ниқоби остида мухбирга маълумот берган манбани излаш билан банд бўлмоқдалар. Газетанинг ушбу холис чиқиши бозор иқтисодиётига ўтиш чорраҳаларида жойлардаги масъул ташкилотларни зийракликка чақириб, ишни тўғри ташкил қилишга қаратилган. Бинобарин, танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ишда бурилиш ясаш, бундан газетхонларни хабардор қилиш марднинг иши.

Самарқанддаги кимё корхонасининг ташкил бўлганига 40 йилдан ошди. 1954 йилда ишга туширилган бу корхона Марказий Осиё республикалари қишлоқ хўжаликларига минерал ўғитлар етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ерда асосан, суперфосфат, сульфат аммоний каби қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарилади. Фақатгина сульфат аммоний ўғитининг ўзидан ҳар гектар ғалла майдонига 220 килограмм, ҳар гектар пахтазорга эса 300-500 килограмм керак бўлишини назарда тутсак, республикамиз қишлоқ хўжалиги юксак ривожланиш сари интилаётган бугунги даврда мазкур корхонанинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги янада равшанлашади.

Суратда: Мансур Юсупов ва чилангар Шокир Жуманов иш устида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА)туширган сурат.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Халқаро шарх

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Эндиликда Узбекистон давлати ҳам дунёдаги сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиёт жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Шунинг учун ҳам халқимиз ер юзининг турли қитъалари, минтақаларида рўй бераётган воқеаларни зўр диққат билан кузатиб бормоқдалар. Утган ҳафта ҳам диққатга молик воқеаларга бой бўлди.

Халқаро валюта фонди экспертларининг жаҳон иқтисодиётининг аҳволи тўғрисидаги маърузасининг чоп этилиши ХВФ ва жаҳон банки раҳбар органларининг кузги сессиясига тўғри келди. Унда таъкидланишича, жаҳон иқтисодиётининг яқин келажаги умидбахшдир. Ер юзидаги 179 мамлакат жами ялпи ички маҳсулоти бу йил 3,7 фоизга, келгуси йили эса 4,1 фоизга ортади. Бу — сўнгги саккиз йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткич бўлади. Улкан миқёсдаги иқтисодиётнинг юксалиши, биринчи навбатда, етакчи индустриал давлатларнинг шаҳдам тараққий этаётганлиги билан боғлиқдир.

Собиқ социалистик мамлакатларга келсак, фонд экспертлари «улар эришган натижалардан қониқиш ҳосил қилганлар». Шу муносабат билан бозор муносабатлари асосида янги иқтисодиётни шакллантиришда Узбекистон эришаётган натижаларни кўпчилик хорижий мутахассислар тан олаётганликларини эслатиш жоиздир.

Югославиядаги воқеалар ҳамон жаҳон жамоатчилиги диққат марказида турибди. Сиёсатдонларнинг фикрича, Боснияда сулҳ тўғрисидаги шартнома имзоланишига эришилиши ва 25 октябрь куни АҚШда булиб ўталиган Босния, Сербия ва Хорватия ҳукуматларининг Босния муаммосини тинч йул билан ҳал этиш бўйича дастлабки музокаралари бу мингтақада тинчлик сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Мазкур музокаралар АҚШ ва Россиянинг бевосита иштирокида утади. Бироқ, Болқонда вазиятни нормаллаштириш бўйича шартлашувларнинг бажарилиши йулида можарога тортилган ҳамма томонлар ва бутун жаҳон ҳамжамияти иштирокида ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина қийинчилик ва муаммолар мавжуд. Энг аввало, Женева ва Нью-Йоркда кўпчилик мамлакатлар қумагида эришилган шартлашувларнинг бажарилишини таъминлаш керак бўлади. Яъни, душманлик ҳаракатларига йул қуймаслик, қўшинларни тарқатиб юбориш, Босния ва Герцоговина республикаларини ташкил этувчи субъектлар чегарасини аниқ белгилаб чиқиш лозим. Бундан ташқари, ўз навбатида собиқ Югославия ҳудудидаги барча республикаларнинг бир-бирларини эътироф этишлари билан боғлиқ Шарқий Славония масаласи каби муаммоларнинг ҳал этилиши ҳамда Югославия республикалари иттифоқига қарши санкциялардан воз кечиш талаб этилади. Борис Ельцин Югославияга қарши газ бўйича таъқиқлаш чораларидан воз кечганлигини билдириб, Югославияга газ етказиб бериш бўйича фармонга имзо чекди.

Айни пайтда кўпгина европаликлар учун Болқон тупроғига тинчликни қайтариш иши фақат НАТО кучлари билан амалга оширилиши мақбул келмаяпти, чамаси. Жамоатчилик фикрини билиш бўйича ўтказилган суровлар шоҳидлик беришича, бу жараёнларда Россия ҳамда Европа давлатлари ҳам аралашишса табиий бўларди деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан айрим профессионал сиёсатдонлар Боснияда Ғарб билан Шарқни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўядиган янги тўсиқ пайдо бўлиб қолмасмикин, деган фикрни билдирмоқдалар. Бинобарин, бу ерда тинчликни ўрнатиш жараёнлари бўйича қабул қилинаётган барча қарорларнинг етти улчаб бир кесиш тамойилига асосланган ҳолда ҳал этилиши зарур.

Ушбу муаммо муносабати билан НАТО мамлакатлари Шимолий Атлантика Альянсини Шарққа кенгайтириш режаларини кам деганда 1997 йилгача тўхтатиб туришга қарор қилганликларини таъкидлаш керак. Мазкур шартлашувларга НАТО мамлакатлари мудофаа вазирларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви олдидан эришилган эди. Учрашувни тайёрлашда қатнашган дипломантлар НАТО Москва билан махсус алоқаларни ўрнатишга интилади ва шунинг учун Марказий ва Шарқий Европага қараб силжишларни орқага суришга тайёрдир деган фикрни билдирдилар.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» халқаро дастурининг амалга оширилиши давом эттирилаяпти. Чехияда НАТО ҳамда мазкур дастур қатнашчилари бўлган давлатларнинг қўмондонлик-штаб машқлари бўлиб ўтди. Уларда Чехия, Словакия, Финландия, Швеция, Литва, Эстония, Польша, Венгрия ва Австрия армияларининг вакиллари бор эдилар.

Яна бир ҳарбий машқлар Тайванда ўтказилди. Бу машқлар сценарийси денгиз ва ҳаводан Оролга катта миқёсларда ҳужумларни қайтариш операцияларини пухта ишлаб чиқишни назарда тутганди.

Машқларда Тайванд ҳарбий денгиз кучларининг 60 та кемаси ва шунча самолетлар, бронетанк ҳамда қуруқликдаги қисмларнинг 6 минг ҳарбий хизматчилари қатнашдилар.

ИҚТИСОД ОДОБИ

Туронзаминда маънавий ҳаёт азаҷ-азалдан иқтисодий турмуш билан узвий боғланиб келган. Чунончи, «Тадбиркорлик — турмушнинг ярмидир», «Ўтилга барча санъат-ҳунарларни ўргатиш билан молу дунё йиғилади» каби бир қатор мақоллар-да ишнинг кўзини билиб иш тутишга, тадбиркорликка даъват ётади. Аждодларимиз қонида шундай фазилатлар бўлганидан Туроннинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ахволи бошқа давлатлардан устун бўлган. Шу боис, юртни юртга, улусни улусга, қавмни қавмга, элни-элга, қитъаларни эса қитъаларга ҳам маънавий,ҳам моддий жиҳатдан бирлаштирган Буюк Ипак йўли айнан шу заминдан ўтган.

Иқтисод сўзининг маъноси жуда кенг. Уни ҳамма соҳаларда учратиш мумкин. Айниқса кейинги йилларда бозор иқтисодиётидаги қийинчиликлар ёшу қарини ўйлашга, ҳар бир хўжаликда ва оилада тежамкорлик билан иш олиб боришга ундамоқда. Шундай экан, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ота-боболаримизнинг тарихий тажрибаларига суяниш мақсадга мувофиқдир. «Иқтисод деб, — ёзади Абдулла Авлоний, — пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас.Саҳоватнинг зиди бахиллик бўлгани каби иқтисоднинг зидди исрофдир. Аллоҳ Таоло исроф қилгувчиларни суймас. Иқтисодга риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунида емак учун бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, доно оқ пул йиғур. «тома-тома кўл бўлур», — демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр...».

Абдулла Авлонийнинг юқорида келтирилган фикрларидан кўриниб турибдики, оилада меҳнат эвазига орттирилган барча нарсаларга тежам ва жонкуярлик билан муносабатда бўлиш натижасида фаровонликка эришиш мумкин. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун оилада тежамкорликнинг узига хос мактабини ташкил этиш лозим бўлади. Бунда оила аъзолари, айниқса фарзандлар иқтисод, тежамкорлик сабоқларини оладилар. Бу эса фарзандларнинг келажакда ҳақиқий уй эгаси, чинакам хўжайинлари бўлишига ёрдам беради.

Кўпгина оилаларда ота-оналар иқтисод одобига аҳамият бермайдилар. Бунинг натижасида болалар ҳам тежамкорликка бефарқ қарайдилар. Баъзилар бозор иқтисодиётига, қийинчиликларга қарамай ўзларини бойвачча кўрсатиб, тежамкорлик урф-одатларига бефарқ бўлмоқдалар. Айниқса, бундай ҳолларни тўй-маъракаларда учратиш мумкин.

Болада тежамкорликни, айниқса иқтисодни тарбиялаш муҳим. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам, кийим-кечакка ҳам, уйдаги ҳар бир нарсага ҳам ҳурмат ошади. Болаларни кичик ёшданоқ атрофида нималар содир бўлаётганлигини кўра билиш ва унга ўз муносабатини билдиришга ўргатиш, эҳтиёт қилиш каби тежамкорлик, кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳимдир. Меҳнатни, айниқса меҳнат маҳсулотлари қадрини билишга ўргатиш ота-оналарнинг вазифасидир.

Оталар ўз ўғилларига савдо-сотиқ, уй-рўзғор ишларини, оналар ўз қизларига уй тутиш, озиқ-овқат тайёрлаш ишларини ўргатиши қадимий гўзал урф-одатларимиздир. Ана шундагина оила, рўзғор фаровонлигига эришиши мумкин. Ҳар бир кишининг иқтисод, яъни ўзиники ёки давлатники бўлган нарсалардан эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан иш олиб бориши унинг яхши одобу фазилатларга эга эканлигини кўрсатади. Иқтисодчи бўлиш ўз ва давлат мулкини кўз қорачиғидай асраш демакдир. Халқимизда «Тежоғлик уй — бежоғлик» нақли бежиз айтилмаган. Унинг мазмунида меъёр даражаси асосий ўринни эгаллаган. Ҳар бир иқтисодчи олди-соттида оилани, дунёни кўз олдига келтириши керак. Шу билан бирга у ҳалол, пок, тўғри сўз бўлиши лозим.

Аллоҳ Таоло Қуръони каримда «Ҳалол ва покиза нафақа енглар ва солиҳ ишлар бажаринглар!», — деб буюрган. Яъни, ҳалол емоқнинг солиқ амалларидан бири аввал еганлигига ҳам ишорат қилинган. Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида «мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз» деб буюриб, ҳаромни қатағон қилганлигини билдиради.

Ал-Бухорий ўз ҳадисларида шундай ёзадилар. «Мен ҳазрати Ойша ҳузурларига кирдим. Шунда у зот менга: Озгина сабр эт, мен лунгимни тикиб олай, дедилар. Мен у зотга ағар бу воқеани чиқиб одамларга гапирсам, улар сизни албатта бахил деб ҳисоблашади, дедим. Ойша: «Майли, ўзинг биласан. Эски кийим киймайдиган кишида янги кийим бўлмайди», - дедилар. Зеро, янгини эски асрайди қабилидаги бу ривоят ҳам тежамкорликка бир сабоқдир.

Одамийлик сабоқлари

Дунёда уч нарса қимматли — уй-жой, ширин сўз, овқат. Шундай экан, оиладаги шинам уй, саришта-саранжомлик, дазмолланган кийимлару тозагина хона, ҳовлилар, пишаётган таомнинг хушбуй ҳиди кимга ёқмайди, дейсиз. Албатта бу янглиғ оиладаги қут-барака эркакнинг топишию, уй бекасининг тежамлиги ила оқилона иш юритишига боғлиқ . Шу сабаб халқимиз қадим-қадимдан уйни, рўзғорни бошқаришда ота-боболаримиз тажрибасига суяниб иш қурадилар.

Ризоуддин ибн Фахруддин «Тарбияли хотун» рисоласида шундай ёзадилар: «Уй ичида бўлган ҳаражатлар ва хизматлар хотунлар қўлидан ўтиб юргани учун эрлардан ортиқ эътибор ила турмоқлари лозим бўлур. Элакка гарчи чашма суви тарновдан оқиб турсада бир вақтда тўлмагани каби, тута билмаган хотуннинг эри нақадар пул топса-да етишмас». Демак оила маблағини назорат қилиш — тежамкорлик бўлиб иқтисод билан иш олиб бориш энг масъул ишдир.

Қолаверса, оиласида тежамкорликни ўдум қилган киши давлат корхоналарида ҳам ана шу амалга риоя қилади.

Иқтисод одобини ўдум билиб, топган тутганларингизга барака киритиб, ширин, осойишта турмушларингизда баракотлар тилаб қоламиз.

Улфат МАҲКАМОВ,
Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, педагогика фанлари номзоди.

Маданият янгиликлари

ЁДГОРЛИК МУЗЕЙИ

Учқўприк туманининг Катта Кенгас қишлоғида яна бир савоб ишга қўл урилди. Бу ерда мавлоно шоир Хазиний ёдгорлик музейи очилди. Музей очилишига бағишланган йиғилишида Фарғона вилояти хокими Мирзажон Исломов иштирок этди. У яқин вақтгача Хазинийга диний-мистик адабиёт вакили сифатида қараб келинганлиги, эндиликда мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизга бўлгани сингари адабиётимиз намояндаларига бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгарганлигини таъкидлаб ўтди, муҳташам бинони қуришда иштирок этган А. Ҳакимов бошчилигидаги қурувчиларга миннатдорчилик билдирилди.

Ҳазинийнинг фарзанди Сотволдихўжа Зиёев бундай иззат-икром учун ташаккур изҳор этди. Музейда Хазиний қўшиқлари янгираб турди.

«Ишонч» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилот пул ўтказиш йўли билан қуйидаги маҳсулотларни сотади:

Кабеллар:
КГ 3х50+1х25
КГ 3х4+1х2,5
ТПП 50х2х0,4
ААШВ — 6-3х95
АСБ — 10-3х70
КВТ — 1
АВВГ 4Х50
АВБВ 4Х6
АПВГ 4Х6
Симлар:
ШВВП 2х0,75
Эмалланган сим ПЭТВ — 2 диаметрли. 0,33 — 1,7 метрли
Металл прокатлари
Мурожаат учун телефон (3712) 68-74-90

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Собиқ империя халқимизга жуда кўп муаммоларни мерос қилиб қолдиргани маълум. Уларнинг энг даҳшатлиси Орол ҳалокати бўлса, бошқалари ҳам енгил ҳал бўладиганлардан эмас. Уларни санаб ўтишнинг ўзигагина анчагина вақт керак. Аёлларимиз орасида кенг тарқалган камқонлик хасталиги, бир ёшгача бўлган ғўдаклар орасида ўлимнинг юқорилиги, чала туғилган чақалоқлар муаммолари мустақил республикамиз ҳал этишга киришган, бироқ катта қийинчиликлар билан ҳал этилаётган ўтмиш «меросларидан»дандир.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли педиатрия илмий-текшириш институти бўлим бошлиғи, вазирликнинг бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Матлуба Азимжонова билан бугунги мулоқоти ўтмишнинг дардли меросларидан чала туғилган ғўдаклар ва уларни асраб қолиш муаммоларига бағишланган. Зеро, бу муаммо юқорида тилга олинган масалалар билан чамбарчас боғлиқдир

СОҒЛОМ АВЛОД— СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мухбир: Матлуба Муҳамеджоновна, бир ёшгача бўлган ғўдаклар орасида ўлим даражаси юқорилигига сабаблардан бири ойкуни тўлмай чала туғилиш ҳоллари кўплигидир. Албатта, илгарилари бундай ғўдаклар асосан ўлимга маҳкум бўлган. Тиббиёт фанининг тараққиёти, республикамизда аҳолини соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар туфайли ва, айниқса, Сиз раҳбарлик қилаётган илм даргоҳида неонатология марказининг ташкил топиши билан уларнинг кўпчилиги асраб қолиниб, тўлақонли ҳаёт кечиришларига эришиляпти.

Бироқ, шунга қарамай, чала туғилган болаларни парваришлаб, ҳаётга қайтариш муаммоси анча кескинлигича қолиб келмоқда. Муаммонинг кўлами, уни тўла ҳал этишдаги қийинчиликлар нималардан иборат бўлаяпти? Дастлаб шу хусусда гапириб берсангиз...

М. Азимжонова: Аввало шуни таъкидлаш керакки, Узбекистон мустақилликка эришиши билан республика ҳукумати, халқ саломатлиги масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Айниқса, шахсан юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва мадади асосида «Соғлом авлод учун» дастурининг яратилиши муҳим тарихий воқеа бўлди, дейиш мумкин. Чунки ўтмиш мероси сифатида бу борада кўплаб жиддий муаммолар тупланиб қолган. Уларни ҳал этиш давлатимиз, жамиятимиздан катта кучғайрат ва маблағ талаб этади.

Бир ёшгача бўлган ғўдаклар орасида улим даражаси юқорилиги ҳам муаммоларнинг умумий занжиридаги бир ҳалқа. Аммо аҳамияти жиҳатдан уни биринчилар қаторига қўйиш керак, деб ўйлайман. Янги дунёга келган ғўдаклар орасида, айниқса ойкуни етмай чала туғилган болалар жуда нозик ва турли ташқи муҳит таъсирига беривчан бўлади. Бинобарин, шуни ўй ғўдаклар ҳаётини асраб қолиш билан биз янги туғилган болалар ўртасидаги улимнинг кескин камайишига эришиш имконига эга бўламиз.

Муаммо кўламига келсак, ҳозирда туғилаётган чақалоқларнинг анчагина қисми ойкуни етмай дунёга келмоқда. Пойтахтдан узоқлашган сари муаммонинг кескинлиги ҳам ортиб боради. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида чала туғилган болалар ҳиссаси 22-25 фоизгача боради. Албатта, турли хасталикларга чалинган аёллар болаларнинг шундай туғилишига асосий сабабчилардир. Лекин бу алоҳида таҳлил этиладиган масала бўлгани учун газета унга алоҳида ўрин берса керак.

Мавзуга қайтиб шуни айтиш керакки, ойкуни етмай туғилаётган ғудакларни асраб қолишга Умумий дастурдан келиб чиқиб катта эътибор бериляпти. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу соҳада 1993 йилнинг 23 апрелидаги махсус қарори мавжуд. Шу асосда болалар шифохоналарида чала туғилган чақалоқларни парваришловчи кўплаб махсус бўлимлар ишлаб турибди. Нукус шаҳрида пренатал марказ, Тошкент, Андижон, Термиз, Бухоро шаҳарларида умумий ўринлар сони 420 та бўлган неонатал марказлар очилган. 21 ихтисослашган кучма ҳаётга қайтариш неонатал тез ёрдам бригадалари ташкил этилган.

Малакали неонатолог (чала туғилган чақалоқлар шифокори) мутахассислар тайёрлашда сезиларли силжишларга эришиляпти. Сўнгги икки йилда бу мутахассислар сони 59 кишига қўшайиб, уларнинг умумий сони 378 га етди. Чала туғилган чақалоқларни парваришлаш бўйича кўплаб махсус хорижий ускуналар сотиб олинган. Қурилаётган тадбирлар нисбатан қисқа муддатларда чақалоқлар орасидаги ўлим ҳодисаларини қарийб 2 баравар қисқартириш имконини берди. Лекин шунга қарамай, муаммо кескинлигича қолаётгани сир эмас. Бунинг бир қанча муҳим сабаблари бор, албатта.

Энг аввало, ойкуни етмай туғилган болаларни парваришлаш учун шифохоналардаги зарур бўлган ўринлар тақчиллиги юқори — 54 фоизда қолиб турибди. Бундай ғудаклар учун болалар шифохоналарига ихтисослашган бўлимлар очиш масаласи бундан ҳам баттар аҳволда. Очилган бўлимларнинг ҳам ярми мослаштирилган хоналарга жойлаштирилган. Шу бўлимларга чақалоқлар туғруқхоналардан махсус машиналарда ўтказилади. Афсуски, кўп жойларда бундай машиналар етишмайди ёки бутунлай йўқ. Борларини ҳам туғруқхоналар бош шифокорлари зарур транспорт билан таъминлай олмайдилар. Натижада чақалоқлар туғруқхоналарда 10-15 кунлаб қолиб кетади. Чала туғилган ғудаклар эса дунёга келган куниданоқ махсус даволаш усулига ўтказилиши керакligини ҳисобга олсак, бундай кечикишларнинг нохуш оқибатини тушуниш қийин эмас.

Натижада нимжон ҳаётлари қил устида турган ғудаклар турли юқумли, токсик-септик хасталикларга чалиниб, аксар ҳолларда нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Яна бир муҳим муаммо — хорижий ускуналардан самарали фойдаланиш масаласи. Кўп жойларда, айниқса, олис вилоятларда қимматбаҳо махсус ускуналарнинг ярмидан кўпи ишдан чиққан. Уларни тузатиб ишлатадиган мутахассислар йўқ. «Узбекистон тиббиёт техникаси» бирлашмаси мутахассислари жойларда техник хизматни йўлга қўймаганлар. Вилоятлардаги болалар шифохоналарида кўпинча кислород бўлмайди. Ҳаётга қайтариш (реанимация) ва иситувчи махсус столлар жойларда деярли йўқ. Неонатология бўлимлари дори-дармонлар, юмшоқ чит ва пахмоқ чойшабларга муҳтож.

Кўпгина болалар шифохоналари қиш ойларида яхши иситилмайди. Масалан, Фарғона водийси вилоятларида қишда хоналар ҳарорати 10-15 даражадан ошмайди. Вақоланки, тиббий меъёр бўйича улар 24-28 даражали ҳароратда эга бўлиши керак.

Мухбир: Шу муаммоларни ҳал этиш йўлларини нималарда кўриш мумкин? Ахир бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди-ку.

М. Азимжонова: Жуда тўғри айтдингиз. Албатта, йўл қўйиб бўлмайди. Менга қолса, энг аввало, мутасадди мутахассислар, айрим тиббий ходимлар, ташкилотчиларимиздаги лоқайдликка барҳам беришдан ишни бошлаган бўлардим. Гап шундаки, ойкуни етмай туғилган ғудаклар парваришидаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг аксарияти ана шу лоқайдлик оқибатида содир бўлади. Фақат ўз бурчига тула масъулият билан қараш орқали уларнинг анчагина қисмининг олдини олиш мумкин. Оддий бир мисол: чамаси саккиз йил олдин Наманган туманида болалар шифохонасида бўлганимда чала туғилган чақалоқлар совуқ хоналарда ётганини кўрдим. Дарҳол хоналарни иситишни буюрдим — афсуски кечиккан эдик...

Махсус ускуналарнинг техник қаровини ташкил этиш, транспорт воситалари билан вақтида таъминлаш, ҳар бир туманда, шаҳарда маҳсус неонатология бўлимларини ташкил этиш масалалари ҳам навбат кутиб ётган муаммолардир. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида неонатал ўринлар танқислиги юқорилигича қоляпти.

Яна бир масала республикамиздаги экологик ҳолат билан боғлиқ бўлиб, унинг салбий оқибатлари натижасида баъзи ҳудудларда ойкуни етмай туғилаётган ғудакларнинг сони ҳатто кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, Сурхондарё вилоятида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Умуман, ойкуни яқинлашган ҳомиладор аёллар учун ихтисослашган туғруқхоналар очиш йўли билан бу муаммо кескинлигига барҳам бериш мумкин. Бунда улар тўлиқ шифокорлар назоратида бўладилар. Кўпгина нохуш ҳолларнинг олди олинади. Чала бола туғиш эҳтимоли бор ҳомиладор аёллар учун ихтисослашган кабинетлар ва бўлимлар ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу масала ҳам орқага сурилиб келяпти. Вақонланки, мазкур тадбирлар катта маблағ, харажатларни талаб қилмайди.

Вилоятлардаги қишлоқ, амбулатория-поликлиника муассасаларида янги туғилган чақалоқлар ва чала туғилган ғудакларни тиббий кузатиш кўрсаткичлари расман олганда юқори — яхшидай туюлади. Аммо унинг самарадорлиги талабга жавоб бермайди. Бунга асосий сабаб қишлоқ амбулаториялари, фельдшер-акушерлик пунктларида педиатр мутахассисларининг етишмаётганлигидир.

Мухбир: **Матлуба опа, муаммолар жиддийлиги кўриниб турибди. Уларни ҳал этиш учун сиз нималарни тавсия этган бўлардингиз?**

М. Азимжонова: — Мен юқорида айтганимдек, ҳукуматимиз тўмонидан, шахсан Президентимиз томонидан халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Гап улардан оқилона фойдаланиш, жамиятнинг барча куч ва имкониятларини мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўналтира билиш ҳақида бораяпти. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароити ҳам шуни тақозо этади. Ахир ҳамма юкни фақат давлатнинг зиммасига юклаб бўлмайди-ку.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ойкуни етмай туғилган чақалоқларни асраб қолиш, уларнинг соғлом, тетик усиб вояга етиши учун пухта замин яратиш ишида жамиятимизнинг барча кучлари фаол қатнашиши керак деб ҳисоблайман. Биринчи навбатда шундай ғудаклар саломатлиги билан бевосита шуғулланувчи болалар шифокорлари жамоалари, ҳар бир тиббиёт ходими ўз бурчига масъулият билан қараши шарт. Ғудаклар тақдири энг аввало улар қўлида. Энди уларга тегишли услубий-техник, молиявий ҳамда моддий-маънавий мадад берувчиларга келсак, — уларни ҳам санаб ўтиш жоиз. Ҳар бир туман, болалар шифохоналарида ихтисослашган неонатология бўлимлари бўлишга эришишда, баъзан бино, баъзан ускуналар, тиббиёт кадрлари билан ёрдам қўлини чўзишда маҳаллий ҳокимларнинг тантилиги, инсонпарварлик ҳаракатлари жуда муҳим. Айниқса, олис вилоятларимизда бу масалани вилоят миқёсида сўнчиклаб ўрганиб, мутахассислар тавсиялари асосида ҳокимларнинг таъсирчан мажмуий тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш олийжаноб иш бўларди.

Кенг жамоатчилик вакилларининг аҳоли ўртасида турмуш маданиятини юксалтириш, ногирон, нимжон болаларнинг дунёга келишига барҳам бериш мақсадида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб бориш, муҳими — оналар саломатлигини мустаҳкамловчи тадбирлар мажмуини ишчи амалга ошира бориш ҳам олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишга олиб келади.

Пайти келганда, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, соғлиқни сақлаш вазирлигининг биз юқорида тилга олган қарорида Тошкент тиббиёт педиатрия институтида неонатология кафедрасини ташкил этиш вазифаси қўйилганди. Шу масала негадир орқага сурилиб келинмоқда. У зудлик билан ҳал этилиши керак. Яна тиббиёт институтлари, неонатология ихтисоси бўйича шифокорлар тайёрлаш тизимини ўйлаб қуришлари, уларни тайёрлашни учинчи курсдан бошлаш керакдир. Яна шифокорлар малакасини ошириш институтида неонатологияга бағишланган маъруза ва амалий машғулотлар ҳажмини кенгайтириш лозим деб ҳисоблайман.

Мухбир: Сўнгги сўзингиз...

М. Азимжонова: Ҳар бир инсон ойкуни етиб-етмай дунёга келдими, у яшаши керак. Шунга эришиш мен учун катта бахт бўларди. Суратга эътибор беринг-а, бу жажжи қизчанинг чала туғилган, нимжон пайти билан ҳозирги ҳолатини солиштиришдан кўнглим тўлдай кутарилади, қасбимдан фахрланиб кетаман. Ҳамкасбларимга ҳам шундай бахт тилайман...

Мухбир: Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
Н. РАШИДОВА.

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Узбекистон Республикаси ҳалқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий Ассоциацияси билан Покистон - Узбекистон маданий ва иқтисодий Маркази фан, маданият, санъатда, ишбилармонлик ва молия соҳасида фаоллик кўрсатаётган аёллар ўртасида алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлаш мақсадида 1993 йил бошида узаро битим тузган эдилар. Бу муҳим ҳужжат икки юртни қадимдан боғлаб келган анъанавий муносабатларнинг янада ривож топишига асос солди. Шу асосда ҳар икки мамлакат аёллари делегацияларининг дўстона ташрифлари анъанага айланмоқда.

1994 йилда ўзбек аёлларидан ташкил топган делегация Покистонга бориб, мамлакат ҳаёти билан батафсил танишиб қайтган эди. Бунга жавобан бир гуруҳ покистонлик аёллар ўлкамизга ташриф буюриб, аёлларимизнинг турмуш тарзи, меҳнати, ижтимоий ҳолатларини ўрганди.

Шу анъанани давом эттириб, покистонликлар яна Узбекистонда меҳмон бўлдилар. Педагог, ёзувчи, журналист, муҳандислардан иборат ўн икки кишилик делегация аъзолари Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ўзбек оилаларида меҳмон бўлдилар, уларнинг турмуш тарзи ва шароитлари билан яқиндан танишдилар.

«Озодликка эришмоқ осон, аммо мустақилликда яшашни бошламоқ— оғир жараён. Бу халқдан ирода, меҳнат, юксак ишонч талаб этади. Лекин биз атиги тўрт йил ичида сизларнинг мустақил диёрингиз шундай ажабтовур ўзгаришларга юз тутиб, тинчлик, хотиржамлик билан тўғри йўлни танлаб истиқбол сари дадил кетаётганлигини кўриб қувондик», - деди жаноб Нақий мухбиримизга.

Покистонда ўзининг қатор асарлари билан кенг танилган машҳур ёзувчи, шоира Сайра Ҳошимий юртимизда кўрганкечирганларини ватанига қайтгач «Сафарнома» номи билан китоб чоп этишини айтиб: «Биз ўз илтимосимизга кўра оилаларда яшаб узбекона удум, одат, турмуш тарзларини кўрдик. Кўп жиҳатдан бизнинг ҳаётимиз, дунёқарашу тафаккуримизда ухшашлик борлигини англадик», - деди.

М..МУҲАМЕДОВА,

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР МАСКАНИ

Мустақил юрт эгалари — усиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, иқтидорли болаларга имкониятлар яратиш эътибор талабларни эса имкон қадар дунёқараши, билими, ҳаётга, жамият ишларига фаолликларини ошириш борасида ота-оналар билан боғча ва мактабнинг ўрни беқиёс.

Шарқда ажойиб бир ҳикоят бор.

Бир донишманддан оталик бахтига муяссар бўлган киши сураган экан:

— Устоз, мен ота бўлдим. Фарзандим тарбияси билан қачондан бошлаб шуғулланай?

— Фарзандингиз қачон туғилди?

— Икки ойлик бўлди!

— Афсус, икки ойга кечикибсиз, — деган экан донишманд.

Бугунги кунда боланинг тарбияси, билими, комил инсон бўлиб шаклланишида ота-она билан баробар мактаб ҳам масъул. Қолаверса, ўқувчининг қобилияти, қизиқиши, ўзини тута билиши, тасаввури шу билим даргоҳида яққолроқ намоён бўлади.

Ҳўп, шундай дунёқараши тенгдошларига нисбатан шаклланган иқтидорли, билими, имконияти кенг, кабул қилиш қобилияти кучли болалар бор. Улардаги иқтидорни сўндирмаслик учун нималар қилиш керак? Бунга ҳар ким ўз фикрини билдириши мумкин. Лекин пойтахтимизнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги 28-урта мактаб жамоасининг амалий жавоби эътиборга лойиқдир. Қандай жавоб экан дейсизми?

— Мактабда иқтидорли болалар учун махсус гимназия ташкил қилиб, бу ерга илк бора қадам қўйган болалардан иқтидорлилари гимназия муаллимаси, устоз Забиҳахон Мирмуҳамедова суҳбатидан ўтиб, шу синфга қабул қилинганлар, — дейди мактаб директори Ҳабибулла Акмалов.

Умумий меҳнат стажи 30 йил, мактабда II йилдан бери бошланғич синфга дарс бериб келаётган З. Мирмуҳамедова гимназия синфи ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Бу иккинчи гимназия синфи. Биринчи гимназия синфи бу йил 7-синфда ўқияпти. Гимназия синфида 24 та иқтидорли болалар таълим олаяпти. Ўқувчиларни мактабга қабул қилиш даврида ўқитиб, ёзиш, ёза олмасликларини билиб терма синф қилганмиз. Болалар партага ўтиргунга қадар 2 ҳарфли сўзларни ўқиш, ёзиш, санашни билишар эди. Булар учун махсус дастур тузилган. Узингизга маълум, ўрта мактабдаги барча синф программаларида ярим йилликда «Алифбе» ўқилиб, турли шаклларни чизиш ўргатилади. Айни кунда бошқа синфлар «илмоқ» ёзишда ўрганаётган бир пайтда гимназия синфи 2-3 бўғинли сўзларни ўқишни ўзлаштириб, математика фанида сонларни қўшиш, айиришни ўрганишяпти. Биринчи ярим йиллик якунида ўқувчиларимиз I синфни тугатишади. Бир йилда икки синф программасини ўзлаштиришади.

Гимназия ўзайтирилган гурух бўлиб, соат 8 дан 3 гача болалар мактабда бўлиб, турли ўқишлар, машғулотларда қатнашиб дарс тайёрлашади.

— Болалар қайси фанларни ўрганишяпти, гимназияни битирган ўқувчиларни кейинги тақдирлари қандай бўлади? — деган саволимизга муаллима:

— Гимназия 9 йиллик ўрта мактабнинг ўқув курсига мўлжалланган. Бу гуруҳни битирган болалар лицейларга ўқишга жалб қилинадилар. Иқтидорли болаларимизга фақат олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар сабоқ берадилар. Ўқувчиларга ўқиш, ёзув, математика, табиатшунослик, инглиз тили, меҳнат, расм, халқ ўғзаки ижоди, одобнома дарслари киради. Янги ўқув йили бошланганига 15 кун бўлганида биз гуруҳни кўриш иштиёқида синфхонага ташриф буюрдик. Кичкинтойлар: Ассалому алайкум, хуш келибсиз, дея болаларча бегуборлик, ширин табассум билан кутиб олишди. Беихтиёр зимдан ўзим ўтирган собиқ партани қидириб топдим. Жажжигина қизалоқ алоҳида меҳр ила ҳар бир ҳарфларга оро бериб: «она, мана, олма, сана» — деган сўзларни ёзаяпти. Охирги парталарнинг бирига оҳиста ўтирдим.

Болалар ўзларини жуда эркин тутишар, фикрларини синфдошларига пухта, ихчам етказиб беряптилар. Устозлар Забиҳахон опа доскада давлат герби ва байроғига ўқувчиларни эътиборини қаратдилар.

— Болалар, қани ким айтади, гербимизда ниманинг тасвири бор?

Сухроб: — Гербимизда ҳумо қуши расми бор. Ҳумо-бахт қуши.

— Раҳмат. Яна-чи? —Яна ниманинг тасвири бор?

Сирожиддин: Гербда пахта ва бугдойнинг тасвири бор. Чунки пахта ва бугдой бизнинг миллий ифтиҳоримиз.

— Баракалла. Энди ким айтади. Байроғимиздаги ранглар нимани билдиради.

Мунира: — Устоз, байроқдаги мовий ранг - мусаффо осмонимизни, оқ ранг — тозаликни.

Сирожиддин: — Оқ ранг - бахтни, соф кунгилни билдиради...

Опа аста қулоғимга фахр билан шивирлади: «Болаларни фикрлашга бир эътибор беринг-а!»...

Махлиё МИРСОАТОВА.

ҲАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ташкилотимиз Канада ва Италияда ишлаб чиқарилган тагчарми ўта пишиқ, ҳозирги замон дизайнидаги ва сўнгги модадаги аъло сифатли эркакларнинг қишки этикларини сотади. Этиклар 40-45 размерли, қора ва жигарранг тусда.

Шунингдек, омборимизда кийим-кечаклар, телефон аппаратлари, идора товарлари, чемодон ва сумкалар, Ғарбий Европа мамлакатларида тайёрланган жинси кийимларининг комплектлари бор. Улар унча қиммат эмас, сизнинг корингизга ярашини кафолатлаймиз.

Шунингдек, омборимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг 115 хили мавжуд. Теннис ракеткалари, Францияда чиқарилган Адидаслар, Англия халқ истеъмоли моллари сизга манзур бўлади.

Харидорларни Тошкент шаҳри Маяковский кўчаси 2-уйдаги манзилимизга таклиф этамиз. У Тошкент ҳайвонот боғи билан Эрам (собиқ Тельман) боғи ўртасида жойлашган.

Телефонлар: (3712) 36-03-16, 36-13-65

ФУҚАРОЛАР, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Минг дардга шифобахшлиги билан Узбекистонимиздагина эмас, балки собиқ Иттифоқдаги барча давлатлар ўртасида шуҳрат қозонган «Чортоқ» сиҳаттоҳи қайнаридан ортиқча йўлкира ва йўлланма ҳаражатларисиз бахраманд бўлишнинг иложи борми? Қарангки, бор экан. Бунга қандайдир афсонавий куф-суф ёки афсунгарликдан ташқари «Чортоқ» деб ерлиг ёпиштирилган минерал сувни ичсангиз кифоя. Оёқ ва бел оғриги, ўт пуфак, жигар ва буйрак, овқат хазм қилиш органлари, жигилдон қайнаш, бефарзандлик каби қатор дардлардан халос бўлишни истасангиз Чортоқ шаҳридаги «Роҳат» ҳиссадорлик бирлашмаси маҳсулотини истеъмол қилинг. Бу ерда қишин-ёзин бетўхтов маҳсулот ишлаб чиқарилади. Нарх шартнома асосида.

Манзилгоҳ: Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Навоий кўчаси, 50.
Телефонлар: 21250, 21405.

КИЧИК КОРХОНА ТУГАТИЛДИ

Тошкент шаҳри Серғали туманидаги Спутник маҳалласи 6 квартолининг 8 уйида жойлашган «Сто маҳалла - 1» кичик корхонаси 1995 йилнинг оқ ғиёрь ойидан бошлаб тугатилди.

Миробод туманининг собиқ 6 ошхонаси (Узбекистон КУФКга қарашли ошпирги овқатланиш ва савдо комбинатига) 1995 йилнинг биринчи ярми учун сайловга қилинган ўқувчилар рухсат шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Спорт

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ФАХРИ

Мустақил республикамизда футбол бўйича миллий чемпионат бу йил тўртинчи марта старт олди. Тан олиш керак, дастлабки йиллари республикамизда ҳам, чет давлатларда ҳам оддий футбол мухлисларидан тортиб мутахассисларгача ўзбек футболи келажакда инқирозга юз тутади, дея «башорат» қилишган эди. Лекин ундай бўлиб чиқмади. Қисқа фурсат ичида спортчиларимиз ўз маҳорат ва қобилиятлари билан жаҳонга юз тутишди. Энди ўзбекистонлик футболчилар ҳам халқаро майдонларда чиройли, ўзига хос ўйинлар кўрсатишиб, мухлислар эътиборини қозонишмоқда. Айниқса, ўтган йили Херосимада бўлиб ўтган XII Осиё мусобақаларида миллий футбол терма жамоамизнинг ғолиб чиқиши Ватанимиз шуҳратини бир поғона кўтарди.

Ўзбек футболининг оёққа туриши ва ривожланишида «Нефтчи» футбол клубининг хизматлари катта, албатта. Жамоа бугунги кунда нафақат фарғоналик, балки бутун ўзбекистонлик ишқибозларнинг фахрига айланган, десак муболаға бўлмас. «Нефтчи» уч карра республика чемпиони, ўтган йилги биллур кубок соҳиби, МДҲ мамлакатлари чемпионлари чемпионатининг кумуш медали совриндори, Осиё мамлакатлари чемпионлари баҳсида учинчи уринни олган номдор жамоа. Осиё чемпионатила илк бор иштирок этган миллий терма жамоа таркибининг асосий ўйинчилари ҳам «Нефтчи»лар эди.

Жамоага 1987 йилдан буён Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Вазинович Саркисян бош устозлик қилиб келмоқда. Фарғона йигитлари ўтган уч мавсум давомида барча раҳбарларидан ҳар томонлама устун эканликларини амалда исботлашди. Айниқса, жамоанинг утган йилги муваффақиятлари ҳар қанча тақсинга лойиқ. Фарғоналиклар муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритиш билан бирга, жаҳон футболи тарихида камдан-кам учрайдиган воқеа — мавсумни мағлубиятсиз якунлашган. Жамоанинг моҳир ҳужумчиси Равшан Бозоров тўпурарлар баҳсида ғолиб чиқди. Бундан ташқари, у тўрт учрашувда «хитрек»ка эришди.

Юрий Вазинович бир суҳбатда «Нефтчи»нинг ҳар бир ўйинни камида тўрт нафар мутахассис кузатади, деган эди. Бу гапни у мақтаниш учун эмас, хавотирланиб айтганди. Чунки Саркисян тарбиялаётган иқтидорли футболчилар ҳамиша «харидоргир». Улар ўзларининг ажойиб ўйин услублари, жонли ҳолат ташкил қилишлари, чаққонлик, кучли зарбага эга эканликлари билан яшил майдонларда футбол санъатини намойиш қилишмоқда.

Бу йилги чемпионатга назар ташлайдиган бўлсак, мавсум бошланганидан буён «Нефтчи» пешқадамликни қўлдан бой бергани йўқ. Ғарчи жамоанинг етакчи ўйинчилари А. Тихонов, Р. Бозоров, Р. Дурмонов, А. Микляевлар «Нефтчи» билан хайрлашишган бўлсада, уларнинг ўрнини эгаллаган маҳаллий ёшлар мавсум бошидаги хавотирланишларга чек қўйишди.

Албатта, жамоанинг нуфузи ошиб боришида ҳомий ташкилотларнинг хизмати беқиёс. «Нефтчи»нинг бош ҳомийси «Фарғона нефтни қайта ишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. Бирлашма маъмурияти жамоани моддий жиҳатидан қўллаб-қувватлаб турибди. Қиргизлидаги «Нефтчи» ўйингоҳи ва йирик согломлаштириш маркази ҳам жамоа ихтиёрида. Чемпионат мусобақаларини «Нефтчи» вилоятдаги энг катта спорт иншооти — «Спартак» ўйингоҳида ўтказиб келмоқда.

Олий табақада иштирок этаётган вилоят жамоалар, сонига эътибор берсак, Фарғона Тошкент вилоятидан кейинги ўринда туради. Тўғри, гап сонда эмас, балки маҳоратда. Ўйинчиларни жисмонан чиниқтириш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, умуман, спортнинг бу турини ривожлантириш борасида вилоят футбол федерацияси амалга ошираётган амалий ишларни қувонч билан таъкидламоқ керак. Худди шу сабабли ҳам федерация «Ўзбекистон футболни ривожлантириш жамғармаси» таъсис этган «Энг яхши федерация» деган шарафли номга сазовор бўлди. Ю. В. Саркисян эса «Энг яхши мураббий», деб топилди.

Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг тулақонли аъзоси бўлганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Лекин айтиш керакки,

спортчиларимиз аллақачоноқ ўзбек футболи нималарга қодир эканлигини амалда исботлашди. Ҳа, эндиликда ўзбек футболига дунё эшиклари очиқ. Ишонамизки, Фарғонанинг бош жамоаси «Нефтчи» шарафига яшил майдонларда мустақил Ватанимиз байроғи ҳали кўп бор ҳилпирайди, давлат мадҳиямиз янграйди. Бу йўлда сенга омад ҳамиша ёр бўлсин, «Нефтчи»!

Рустам ОРИПОВ.

Суратда: «Нефтчи» жамоасининг сардори Сергей Завальнюк.

ПОЛВОНЛАР КЎПАЙГАНИ — БОЙЛИК

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида спортнинг кураш тури кенг оммалашиб бормоқда. Фақат сунгги беш йилнинг ўзида тумандан икки нафар ҳалқаро классдаги спорт устаси, тўрт нафар спорт устаси етишиб чиққани бу ерда кураш ишқибозлари ортиб бораётганидан далолатдир.

Яқинда Оқдарёда Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи, қўлигул бобон Турғун Усмонов хотирасига бағишланган вилоят очиқ шахсий ва жамоа биринчилиги бўйича кураш беллашувлари утказилди. Унда вилоятнинг турли бурчакларидан келган юзга яқин полвонлар ўзаро қуч синашдилар.

— Оқдарёда спортга эътибор ортиб бораётгани бизни хурсанд қилади,— дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Наим Саидов.— Бугунги мусобақа ташкил этилиши ҳар туман ҳокимлигининг спортга ҳайриҳоҳлигидан далолат.

Оқдарёда спортнинг айнан кураш тури оммавийлашиб бораётганини туман кураш федерациясининг раиси Абдураҳим Мамараҳимов шундай изоҳлайди:

— Аввало, ёшларимизда курашга иштиёқ катта. Қолаверса, туманимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан мураббий Урол Зиёйев, Муҳаммад Гофуров каби ўз касбига фидойи тарбиячилари борлигидир. Улар йигитларимизни катта мусобақаларга олиб чиқиб қўплаб ютуқларни қўлга киритаётир. Усмирлар ўртасида жаҳон биринчилигининг ғолиби Навруз Усмонов, ёшлар ўртасида ўз вазни бўйича дунёнинг учунчи кучли полвони даражасига кўтарилган Зафар Очилов каби машҳур полвонлар ҳам шу мураббийларнинг шогирдлари. Биз эса мураббийларга, кураш ишқибозларига қулай шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Қишлоқда спортни оммалаштириш туман ҳокимлигининг доимий диққат марказида...

Қизиқарли ва кескин беллашувлардан Оқдарё тумани полвонлари 410 очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлишди. Бўлунгур тумани ва Самарқанд шаҳри курашчилари эса иккинчи ва учинчи уринни эгаллашдилар. Шахсий биринчиликда Оқдарёлик Б. Сайфиев, М. Исмоилов, В. Темиров, З. Мамараҳимов, Бўлунгурлик Т. Қаршибоев, О. Қоратоев, Ш. Қодиров, Иштихондан А. Ёқубов, самарқандлик М. Мансуров каби полвонлар ўз вазн тоифаси бўйича мусобақа ғолиби бўлишди. Уларга туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган совринлар топширилди.

Туманларда шу каби турли-туман мусобақаларни уюштириб туриш қишлоқ ёшларининг спортга бўлган иштиёқини ошириш билан бирга ёш авлоднинг ота-боболар хотирасига ҳурмат билан қарашдек ҳислатларини тарбиялайди.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

МУҲАННИМЛАР ТАВСИРИ

16. 10 — 22.10 кунлари учун

ДАЛВ (20.01 — 18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг дастлабки куни бехосият, қолган кунлари эса омадли бўлиши кутилур. Шунинг учун ҳафта бошида ҳар қандай фаолиятни тўхтатиб туриш маъқулдир. Бу кунлари болалар тарбияси ва рўзғор ишлари билан машғул бўлиш маъқулдир. Кейинги кунлари эса меҳнат фаолиятини давом эттириш мумкин. Кутилмаган учрашувлар, яқинларининг сафаридан қайтиши, қариндошларнинг мушкулроқ юмушлари енгил кучиши мумкин. Ҳафта давомида хайри-эҳсон қилиб туриш яхши натижалар беради.

ХУТ (19.02 — 21.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафта таҳликали ва нотинч ўтиши кутилур. Хусусан, оилада фарзандларга алоҳида ғамхўрлик лозим, акс ҳолда нотинчлик рўй бериши мумкин. Молия билан боғлиқ мураккабликлар, нохушликлар юз бериши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун, аввало атрофдагилар билан хушмуомала бўлиб, ҳеч кимни ноҳақ ҳафа қилмасликка ўринниш ҳамда ўзини пок сақламоқ лозим. Молиявий тангликни бартараф қилмоқ учун эса ёлғондан сақланиш, омонатга хиёнат қилмасликлик, хайр-эҳсон бериб туриш талаб қилинур. Бу ҳафта ичи қупроқ оила билан ўтказиб сафарга чиқишдан тўхталиб турмоқ маъқул.

ХАМАЛ (22.03 — 21.04) ойида туғилганлар бу ҳафта ўзларини доимий ишларини давом эттираверишлари бирон ишдан наф чиқмаслик ҳавфи ҳам бор. Иш юзасидан сафарга бориш ёки дам олиш, овга чиқишлар кўп манфаатли бўлур. ҳафтада соғлиқни яхшилаш ишлари билан шуғулланиш ҳам фойдалидир. Молиявий соҳада деярли ўзгариш бўлмас, мабодо бўлиб қолса натижали бўлур.

САВР (22-04 — 20.05) ойи фарзандлари учун бу ҳафта қувончли ва бахтли дамларга бой бўлиши кутилади. Хусусан, савдо-сотиқ ишларида улар катта фойдага эришишлари мумкин. Бу кунларда оила иқтисоди учун қилинган ҳамма ишлар яхши натижалар билан якунланиши кўп эҳтимол қилинади, яъни эр-хотин бир-бирига бевафолик, қилишдан қаттиқ сақланишлари керак. Акс ҳолда бу хиёнат уларнинг ўзларига эмас, балки фарзандларига ўриши ҳеч гап эмас.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойи фарзандлари учун эҳтиёткорликни талаб этади. Озгина бепарволик билан қилинган муомала туфайли ё оилада, ё ишхонада нохушлик ёки жанжал келиб чиқиши мумкин. Лекин бу ҳафтада уларга иқтисодий омад кулиб боқади. Яъни, қўлларига катта маблағлар тушиши кутилади. Бу ой фарзандлари учун яна бир қувончли дам оилавий омаддир. Яъни фарзанд кўриш ва фарзандлар бахтини кўриш каби узоқ кутилган орзулар рўёбга чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳафта ҳар қандай ёлғон гап ва ёлғон ваъдадан қаттиқ ҳазар қилиш — бу ой фарзандлари учун қаттиқ талаб қилинган вазифадир.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойида туғилганлар бу ҳафта мобайнида кундалик ишлари билан бемалол шуғулланишлари мумкин. Иқтисодий жиҳатдан яхшигина натижаларга эришишлари кутилур. Шунингдек, оилада ва иш жойларида ҳам қувончли воқеалар юз беришига гувоҳ бўладилар. Бу ҳафта охиргача ходимлар раҳбарнинг, раҳбар эса ходимлари қалбига осонликча йўл топадилар. Лекин ҳеч қайсилари хиёнат қилмасликлари даркор. Акс ҳолда нохушликларга сабаб бўладилар.

АСАД (23.07 — 22.08) ойида туғилганлар учун бу ҳафта бойлик ва саодат ҳафтаси бўлиши кутилур. Бу кунларда ўзига нисбатан ғаразли ниятдагилардан ғофиблик қўлга кирур. Ва ҳар мушкул иш бўлса, иншоаллоҳ, улар осонликча ҳал бўлур. Ва ҳар хожат бўлса Аллоҳдан сўралса, раво бўлур. Бундан ташқари андишалилик ғам ва кулфатлардан халос бўлур. Ҳафта давомида қилинажак хайр-эҳсон ва хожатмандларнинг хожатини раво қилишлар кўп манфаатлар келтиражак.

СУНБУЛА (23.08 — 21.09) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг олдинги ярми бехосиятроқ, қолган ярми эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун ҳафтанинг аввалида кўпроқ эҳтиёткор бўлмоқ талаб этилур. Иложи бўлса натижаси номаълум ишларга қўл урилмаганни маъқул. Пуллик ишларга умуман яқинлашмаслик, сафардан ҳам тийилиб туриш ёмон бўлмас. Бу кунларда имкон қадар кечалари юришдан сақланиш керак. Иншоаллоҳ, шунда нохушликлар бартараф бўлур. Ҳафтанинг кейинги ярми омадли бўлиб, унда бажарилган ишлар иншоаллоҳ, яхшги натижа берур. Ҳусусан савдо, ишлаб чиқариш ва ижод ишларида катта муваффақиятларга эришилажак.

МЕЗОН (22.09 — 22.10) ойида туғилганлар бу ҳафтанинг аввалида бир оз танг дил ва паришонхотир бўлишлари кутилур. Улар бу кунларда анча сиқилган ва ғамгин бўлмоқлари мумкин. Чунки улар олдиларидаги мақсадга эришолмай турибдилар. Лекин бир оз сабр қилинса, ҳафтанинг кейинги кунларида ҳамма ишлари юришиб кетур. Иншоаллоҳ, бу кунларда сафардаги ғойиблари ҳозир бўлур, беморлари шифо топгай, қисқаси ҳаммаси яхши бўлиб кетур.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг аввалги икки куни бехосиятроқ, қолган кунлари эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун ҳафтанинг аввалги кунларида савдо ва янги бошланадиган ишларни тўхтатган кўп яхши бўлур. Бу кунларда оила ва иш жойида ҳам баъзи бир нохушликлар юз бериши мумкин. Шунинг учун бу борадаги муаммоларни ўта эҳтиёткорлик билан ҳал қилиш даркор. Бу кунларда сафарга чиқиш ва бошлиқлар ҳузурида бўлиш яхши натижалар келтиражак, иншоаллоҳ.

КАВС (22.11 — 21.12) ойида туғилганлар учун бу ҳафта осойишта ва тинч ўтиши кутилур. Бу кунларда оила бюджетида яхшигина ўзгариш бўлиши, шу билан бирга иш жойида ҳам қувончли воқеага шохид бўлиши мумкин. Мазкур ҳафта кишилар қалбига йўл топишда кўп қулай фурсатдир. Ҳафта давомида Аллоҳ таоло бўйруқларида доимо бўлиш-тинчлик, осойишталик ҳамда барқарорлик гаровидир.

ЖАДДИ (22-12 — 19.01) ойида туғилганлар учун келаси ҳафта осойишта ва тинч ўтиши кутилур. Бу кунларда оила бюджетида яхши натижалар кутилур. Бундан ташқари ўз соғлиги билан шуғулланиш, дам олиш, балиқ овига чиқишлар ҳам кўп манфаатлар келтирур. мазкур ҳафтада ота-оналарни эслаб, агар улар ҳаёт бўлсалар уларни зиёрат қилиш, қўнгилларини овлаш, ҳурматларини жойига қўйиш, агар вафот этган бўлсалар, улар ҳақида хайр-эҳсон қилиш амаки, тоға, амма холаларни зиёрат қилишлари тенгсиз улкан савоблар келтириши шубҳасиздир. Иншоаллоҳ.

Ўқинг: бу қизиқ!

НОМЛАР, АТАМАЛАР

Кимевий элементларнинг номланиши ҳам қизиқ. Жумладан, америций — «Америка»дан, галлий — Франциянинг қадимги номи — «Галлий» дан, Гафний — Копенгагеннинг лотинча номи — «Гольмий»дан, европий — «Европа»дан, индий —Ҳиндистон»дан, иттербий, иттирий, тербий, эрбий — Швециядаги Иттерби қишлоғи номидан, лютеций — Парижнинг қадимги номи — «Лютеция»дан, магний ва марганец қачонлардир Грециядаги Магнозия шаҳри яқинидан қазиб олинган минерал номидан, купрум (мис) — Кипр ороли номидан, полоний — лотинча — Полоний «Польша»дан, дений — Ғарбий Европадаги Рейн дарёси номидан, ретений — лотинча Рутений — «Россия»дан, скандий — «Скандинавия»дан, стронций — Шотландиядаги Стронциана деган жой номидан, туллий — Скандинавиянинг эски номи — «Тула»дан, франций — «Франция» каби атамалардан олинган.

***

Буюк олим Муҳаммад Ал-Хоразмий «Ҳисоб ал-жабр вал — Муқобала» номли китобини ёзган. Бу китоб биринчи маротаба алгебрани арифметикадан ажратиб, мустақил очиш методлари ва усулларига эга эканини кўрсатди.

1427 йилда Ал-Коший «Арифметика учун калит» деб аталган китобини ёзиб битирди.

Унли каср биринчи маротаба улуг узбек олими Ал-Коший томонидан қўлланилган. У «Арифметика учун калит» китобида унли касрдан фойдаланади. Айни бир вақтда улар устида амаллар бажариш қоидаларини кўрсатиб, буларни мисоллар билан тушунтиради. Шунингдек, каср ёзилишининг янги шакли ҳақида тўла маълумот беради. Ал-Кошийнинг асарлари кўп йиллар Европа олимларига маълум эмас эди. Европа унли касрни қобилиятли инженер ва олим Симон Стевин (1548-1620 йиллар) кашф этган. 1585 йилда Стевин ўзининг «Унлик ҳақида» китобини ёзган.

Олимлардан Деламбрл ва Мешен ер меридианининг ёйини ўлчаб, унинг чорагига тенг ёйнинг узунлигини топдилар. 1795 йил 7 апрель қонунига биноан ер меридиани чорагининг ўн миллиондан бир булаги узунликнинг янги асосий бирлиги сифатида метр деб қабул қилинди.

ЗОМИН 2000 ЁШДА

Археологлар манбаларга кўра, Жиззах вилоятидаги Зомин қўрғони эрамиздан олдин II — I асрларда Суғднинг Чоғ, Хужанд, Фарғона ва улар орқали Хитой йўлида кесишган муҳим қўрғонларидан ҳисобланган. Усрушона давлати пойтахти Бунжикентдан сўнг Зомин ўз мавқеига кўра иккинчи йирик маъмурий ва савдо маркази бўлган. Бу йўллардан ўтган олимлар, шоирлар, подшолар, сайёҳлар Зомин ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган. Искандар Зулқарнайн, бобомиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Абдураҳмон Жомий Зоминни жуда чиройли тасвирлаганлар.

Шунингдек, XI асрда Зоминда тангалар зарб қилинганлиги маълум. Ҳозирги кунда туман ҳокимлиги Зоминнинг 2000-йиллигини кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлиқ қурмоқда. Чунончи, туман ўтмишини акс эттирувчи музей ташкил қилиняпти. Республика Фанлар Академиясининг Я. Ғуломов номли археология институти илмий ходими А. Грицина Зомин тарихини яратиш билан биргаликда музей ташкил этиш ишларида бош-қош бўлмоқчи.

А. ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ТV

ДУШАНБА, 16

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Аждодлар мероси — хазина».** Нажмиддин Кубро.
18.10 «Омилкор инсонлар». Публицистик кўрсатув.
18.35 Футбол шарҳи.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Мен ва дунё».**
21.35 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
23.15 Эълонлар.
23.20—23.45 «Ахборот».

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Деҳқон ҳиммати».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 «Шаҳарда дув-дув...».
20.30 «Спорт-тайм».
21.00—23.15 «Асов дарёнинг жиловланиши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси».
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
24.00— 00.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 17

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Болалар учун фильм. «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири».
10.15 Немис тили.
10.45 «Синфдош». Тележурнал.
11.10 **«Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».**
11.40 Тўфон Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
13.20—15.20 «Умидлар йили». Видеоканал.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Доно бобо давраси-да».**
18.10 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм.
18.20 Мусиқали драмалардан ария ва дуэтлар.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.

19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Санъат усталари».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғофуров.
22.10 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Самарқанд — менинг ёрқин юлдузим». Премьера.
20.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Жаҳон ва биз».
22.10 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
22.50 — 23.50 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Янги китоблар».
11.30 «Алифбо сабоқлари».
12.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғофуров.
13.10—15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Умид учқунлари».** Ўсмирлар учун тележурнал.
18.10 «Шеърий дақиқалар».
18.20 **«Ҳуқуқий жамият сари».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг хонандаси Насиба Сатторова куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Олтин мерос».** Замахшарий.
21.50 **Ўзбек киносининг 85 йиллигига.** «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.20 Эълонлар.
23.25—23.50 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
20.00 «Янги иқтисод».
20.35 «Тет-а-Тет».
20.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.40 «Тошкент оқшомида».
22.40—00.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 19

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Болалар — гуллолалар».
11.20 «Истиқлол адабиёти».
11.50 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.00 **«Истеъдод».** Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Улуғбек Полвонов ижро этади.
13.35—15.35 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 **«Сеҳрли мўйқалам».**
18.00 **«Нон таъми».**
18.25 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт.
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Шарқнинг мумтоз мусаввири».** Камолиддин Бехзод.
19.50 **«Юзма-юз».** Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Туркистон — умумий уйимиз».**
21.30 **Пахтакорлар учун концерт.**
22.10 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.05 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.00 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.10 «Теле-ателье-шоу».
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*

ЎзТВ

21.45—23.00 «Етти қария ва бир қиз». Бадиий фильм.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.00—01.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик оқшоми».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.20 «Ўзбекистон — Япония: ҳамкорлик йўли».
23.00 — 00.05 «О, муҳаббат». Мусиқий кинокомедия.

ЖУМА, 20

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. «Шоҳ Эдип». Фильм-спектакль.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Табиат — ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
12.40 «Ривоят». Публицистик кўрсатув.
13.00 Миллий кураш бўйича халқаро турнир.
13.30 «Кичкинтой»га хат келди».
14.00—15.10 Пўлат Мўмин. «Қоқвқвой билан Чаноқвой». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
* * *
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **Янгиликлар.**
17.40 Мультфильм.
17.50 **«Митти юлдузлар».**
18.20 **«Тилга эътибор...».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.

19.25 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Футбол майдонларида».** Афро-Осиё кубоги ўйинлари олдидан.
21.20 **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова куйлайди.**
22.20 «Кино. Кино. Кино...».
23.00 Эълонлар.
23.05—23.30 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Бизнес-академия».
19.50 «Самарали изланишлар».
20.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
21.10 «Кимга қанақа?».
21.55—23.10 «Кобра» операцияси». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—01.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».

«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Компьютер -Осиё».
21.20 «Кулгига нима етсин!».
21.45 «Америка юлдузлари».
22.15 Эълонлар.
22.20 «Даракчи».
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — «О».

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
10.15 «Оналар мактаби».
10.45 **«Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».**
11.20 **«Таъзим Сизга».** Мусиқий дастур.
12.10 **«Салом, фестиваль!».**
12.40 **«Латиф Файзиев».** Ҳужжатли фильм.
13.20 «Халқ ижодиёти».
13.50—15.50 «Санъат сеҳри». Видеоканал.
*
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия.** «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
17.55 **«Маҳалламиз болалари».**
18.55 Эълонлар.
19.00 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблининг концерти.
20.00 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **Футбол бўйича Афро-Осиё кубоги. Ўзбекистон — Нигерия** (ёзиб олинган).
22.30 Мусиқий танаффус.
22.50 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 Телефильм.
19.25 «Ҳамкасблар».
19.55 «Менинг кўчам».
20.10 «Коллекция».
20.45 «Меъморлар».
21.35—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.45—00.25

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Қалбим кўри».
10.40 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкиннинг ажойиб сарг